

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.F.02.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

МУСАЕВА НОДИРА МАХМУДОВНА

**ИМОМ БУХОРИЙНИНГ “АЛ-ЖОМИЪ АС-САҲИҲ” АСАРИДА
ИЖТИМОЙ-АНТРОПОЛОГИК МАСАЛАЛАР
(фалсафий таҳлил)**

**09.00.02 – Онг, маданият ва амалиёт шакллари фалсафаси
(Фалсафий антропология),
09.00.04 – Ижтимоий фалсафа**

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фан доктори (DSc) диссертацияси атореферати мундарижаси

Оглавление автореферата доктора наук (DSc)

Content of the Doctoral (DSc) Dissertation

Мусаева Нодира Махмудовна

Имом Бухорийнинг “Ал-Жомий ас-саҳиҳ” асарида

ижтимоий-антропологик масалалар..... 3

Мусаева Нодира Махмудовна

Вопросы социальной антропологии в произведении Имама аль-Бухари

“Аль-Жами ас-сахих”..... 31

Musaeva Nodira Maxmudovna

Problems on social anthropology in the work “Al-Jami as-sahih” by

Imamal-Bukhari 61

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 65

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.F.02.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

МУСАЕВА НОДИРА МАХМУДОВНА

**ИМОМ БУХОРИЙНИНГ “АЛ-ЖОМИЪ АС-САҲИҲ” АСАРИДА
ИЖТИМОЙ-АНТРОПОЛОГИК МАСАЛАЛАР
(фалсафий таҳлил)**

**09.00.02 – Онг, маданият ва амалиёт шакллари фалсафаси
(Фалсафий антропология),
09.00.04 – Ижтимоий фалсафа**

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.2.DSc/Fal66 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат педагогика университетидида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.samdu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчилар:

Тўраев Бахтиёр Оманович,
фалсафа фанлари доктори, профессор

Жўраев Нарзулла Қосимович,
сиёсий фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Яхшиликков Жўрабой Яхшиликкович,
фалсафа фанлари доктори, профессор

Ҳакимов Назар Ҳакимович,
фалсафа фанлари доктори, профессор

Қорабоев Усмон Ҳосилович,
фалсафа фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Ислом цивилизацияси маркази

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.F.02.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «___» _____ соат ___даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40; e-mail: rektor@samdu.uz Самарқанд давлат университети Тарих факультети, 1-қават, 105-хона).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№__-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40.)

Диссертация автореферати 2021 йил «__» _____ кун тарқатилди.
(2021 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ш.Ш.Негматова

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
фалсафа фанлари доктори (DSc), доцент

Х.А.Джуракулов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби,
фалсафа ф.б. фалсафа доктори (PhD), доцент

А.Р.Самадов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси,
фалсафа фанлари доктори (DSc), доцент

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда содир бўлаётган ижтимоий-сиёсий глобал жараёнлар шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кунда тинчлик ва барқарорликни сақлаш, давлатлар ва шахслараро бағрикенгликни таъминлаш, жамиятда юксак ахлоқий қадриятларга амал қилувчи шахсларни тарбиялаш масалалари ҳар қачонгидан-да кучайиб бормоқда. Бу эса буюк мутафаккир олимларнинг маънавий-маърифий, диний-ирфоний ғояларидан унумли фойдаланиш заруриятини келтириб чиқармоқда. Айниқса, уларнинг ватанпарварлик, самимийлик, меҳнатсеварлик, инсонпарварлик сингари ижтимоий-антропологик ғоялари фуқароларнинг маънавий камолотига ижобий таъсир этиб, хиёнат, жаҳолат, тухмат, порахўрлик каби салбий иллатлардан қутилишда ҳамда инсониятни эзгу мақсадлар йўлида меҳнат қилиш, билимни қадрлаш, қалб поклигини сақлашида долзарб аҳамият касб этмоқда.

Жаҳон илм-фанида бир қатор илмий тадқиқот институтлари ва марказлари томонидан буюк мутафаккир олимларнинг бой маънавий мероси ҳисобланган ҳадисларнинг моҳиятини ўрганиш, уларда илгари сурилган ғояларни илмийлик мезонлари асосида тадқиқ этиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Хусусан, Имом Термизий, Имом Муслим, ҳадислари, Маҳмуд Замахшарий, Азизиддин Насафий, Хожа Аҳрор Валий, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳмад Яссавийнинг диний таълимотларидаги комил инсон ғоясининг замонавий шахс тарбиясидаги роли асосланмоқда. Шу билан бирга, Имом Бухорий ҳадисларининг ҳозирги таҳликали замонда барқарор тараққиётни таъминлашдаги аҳамиятини ҳар томонлама тадқиқ этишга илмий жамоатчилик алоҳида эътибор қаратмоқда. Зеро, маънавий-мафкуравий курашлар кечаётган бугунги даврда ҳадислар ахлоқий тарбия, фикр тарбияси, тафаккур ўзгаришида ўз конструктив аҳамиятини сақлаб қолмоқда.

Мамлакатимизда ислом динининг маърифий ғояларини аҳоли турли қатламлари онгига етказиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб, Халқаро ислом академияси, Тошкент ислом институти таълим муассалари, Ислом цивилизация маркази, Имом Бухорий, Имом ат-Термизий ва Имом Мотурудий халқаро илмий-тадқиқот марказларида диний ва дунёвий билимларнинг мутаносиблигига оид ғояларни ўрганиш, улардан кундалик ҳаётда фойдаланиш бўйича тизимли фаолият олиб борилмоқда. “Мамлакатимизда “жаҳолатга қарши-маърифат” деган эзгу ғоя асосида ислом динининг инсонпарварлик моҳиятини, тинчлик ва дўстлик каби олижаноб мақсадларга хизмат қилишини тарғиб этиш кун тартибимиздаги доимий масалалардан бири бўлиб қолади”¹. Шу нуқтаи назардан, ҳозирги кунда аҳолининг эътиқод эркинлигига эҳтиёжининг ортиб бораётганлиги диний ғояларнинг моҳиятини чуқур тадқиқ этиш ва уларни оммага етказишни тақозо этмоқда. Айниқса, Имом Бухорий ҳадисларида илгари сурилган ижтимоий-антропологик масалаларни илмий тадқиқ этиш ва янги Ўзбекистон

¹Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан-миллий юксалиш сари.-Тошкент: «Ўзбекистон», 2020.-Б.43.

шароитида фуқароларга етказишнинг концептуал асосларини ишлаб чиқиш объектив зарурият бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ-6108-сон “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонлари, шунингдек, 2017 йил 27 мартдаги ПҚ-2855-сон “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2018 йил 23 июндаги ПҚ-3080-сон “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” номли устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи.²

Ислом тарихи, унинг манбалари, хусусан Имом Бухорий ҳадисларининг моҳиятини ўрганиш масалалари бўйича дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, АҚШ сиёсатшунослик ва ижтимоий фанлар академияси, Гарвард университети, Чикаго унисерситети (АҚШ), Торонто университети (Канада), Оксфорд университети, Кембридж, университети (Англия), Осака университети (Япония), Ислом таълимотлари маркази, Гамбург университетининг Осиё-Африка институти (Германия), Россия фанлар акамедияси фалсафа институти, Булғор ислом академияси (Россия), Қоҳира университети, Ал-Азҳар университети, Ал-Азҳар Ислом тадқиқотлари мажмуаси (Миср), Дамашқ университети (Сурия), Туркия диний таълимотлар ва ислом таълими маркази, Анқара университети, Ислом тафаккури институти, Карабук университети, Ибн Халдун университети, Мармара университети, Эрзурум университети, Истамбул университети (Туркия), Суннат ва набавий мерос маркази (Саудия Арабистони), Ироқ университети (Ироқ), Фас ал-Қаравайн университети (Марокаш), Масжидул Ақсодаги кўлёмалар фонди (Фаластин), Исломни англаш институти, Халқаро ислом университети (Малайзия), Абу Ҳанифа илмий-тадқиқот маркази, Аҳмад Яссавий тадқиқот маркази (Қозоғистон), шунингдек, Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Ислом цивилизацияси маркази, Имом

²Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: www.ox.ac.uk; <https://ru.wikipedia.org>; <https://www.medinaschool.org>; <https://www.anrt.tj>; <https://www.en.uni-muenchen.de>; <https://library.fes.de>; <https://www.cbu.ca>. ва бошқа манбалар асосида тайёрланган.

Бухорий ва Имом ат-Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказлари (Ўзбекистон) томонидан фундаментал тадқиқотлар амалга оширилмоқда.

Жаҳон ислом манбашуносида Имом Бухорий ҳадисларининг инсоният маънавий тамаддунидаги аҳамияти бўйича жаҳонда амалга оширилган илмий тадқиқотларда қатор, жумладан, куйидаги илмий натижалар олинган: ҳадисларнинг ахлоқий тарбия, оилада томонларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашнинг муҳим элементи сифатида оила аъзоларининг ҳуқуқий маданиятини, маънавий-маърифий даражасини оширишга оид ғоялардан фойдаланиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган (Гарвард ва Оксфорд университетиде, Англия); ҳадисларда инсон ҳуқуқларини таъминлаш бўйича ғояларнинг ижтимоий аҳамияти асосланган (Осака университети, Япония), исломда оила ва жамият муносабатларига оид тамойилларнинг ўзига хос жиҳатлари ўрганилган (Кембриж университети, АҚШ); диний манбалардаги тинчлик ва барқарорлик ғояларининг ҳозирги кундаги аҳамияти асосланган (Қоҳира ва Дамашк университетлари, Миср ва Сурия); ҳадислардаги бағрикенглик ғояларининг ижтимоий аҳамияти очиб берилган (Туркия диний таълимотлар ва ислом таълими Маркази, Туркия); Имом Бухорий ҳадисларининг ижтимоий-тарихий, фалсафий-маърифий жиҳатлари асосланган (Исломни англаш институти, Малайзия).

Дунёда Имом Бухорийнинг маънавий меросида ижтимоий антропологик масалаларнинг фалсафий жиҳатларини ўрганиш бўйича кўплаб жумладан, куйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: ислом фалсафасининг оламни англаш, янги илмий ғояларни ишлаб чиқиш, инсоннинг яхшилик ва ёмонликка мойиллиги сабабларини очиб беришга оид, диний бағрикенглик, ўзаро ҳамжиҳатлик, меҳр-шафқатлилик, ўзаро ҳурмат туйғуларини сингдиришга оид илмий концепциялар яратиш, миллий-маданий қадриятларни бойитиш, ҳадисларда антропологик муаммолар, ижтимоий ва тарбиявий-ахлоқий таназзулнинг олдини олишга оид, ҳадис илми, “Мусталаҳул ҳадис” илми тарихини янада бойитишда Марказий Осиё муҳаддислари, ҳадисшунос алломалари маънавий меросининг гуманистик аҳамиятини очиб бериш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ислом дини манбалари, хусусан ҳадисларнинг моҳиятини Шарқ ва Ғарб мутафаккирлари ва олимлари кенг қамровли очиб берганлар. Масалан, Абу Ҳомид Ғаззолий “Ихйоу улумид дин”³ асарида ибодатлар одамлар билан бир қаторда мухлиқот (ҳалокатга олиб боровчи офатлар), мунжийот (нажотга элтувчи амаллар)ни таснифлаган ва уларнинг аҳамиятини очиб берган. Алишер Навоий “Лисонут-тайр” достони ўрта асрда Худо изловчининг дунёвий ва диний дастури бўлиб, унда ҳадислардаги яхшилик ва ёмонлик ғояларининг инсон ҳаётида амал қилиши асосланган. Жалолиддин Румий “Маснавий ҳикояларига шарҳлар”⁴ асаридаги 40 ҳикояга берган 40 та шарҳларида ҳадисларга таянган. Имом Абу Сулаймон Аҳмад (ибн Муҳаммад Бустий) “Иълуму-с-сунан фи шарҳи Саҳиҳул Бухорий”⁵ китобида Бухорий

³ Абу Ҳомид Ғаззолий. Ихйоу улумид дин. –Тошкент: Ўзбекистон, 2009. 267 б.

⁴ Румий Ж. Маснавий. 40 ривоятга шарҳ. – Тошкент: Наврўз, 2019. 402 б.

⁵ Умар Ризо Каххола. Муъжаму-л-муаллифийн.Ж.4- Байрут: Дор ихёи-т- турси-л-арабий.2009. 212.б.

ҳадисларини кенг шарҳлаган. Абу Зинод “ас-Сирож” асарида “Ал-Жомий ас-саҳих”га шарҳ ёзган. Абдурахмон Баҳра “Шарҳ саҳихал Бухорий” асарида ҳадисларни таснифлаган. Юсуф Афандизода Абдуллоҳ ибн Муҳаммад “Нажоҳу-л-қорий” асарида Бухорий ҳадисларига 30 қисмдан иборат шарҳ берган. Шунингдек, Нур Ҳақ ибн Шайх Абдулҳақ Деҳлавий “Тайсиру-л-қорий”, Мулло Али ибн Муҳаммад Султон Қорий “Шарҳ сулосиёт ал-Бухорий” номидаги асарларини ёзганлар.

Ғарб олимларидан Трименгэм исломда тасаввуф тариқатлари⁶, Р.Биринджкар ислом илми билан танишув, Е.Бертельс тасаввуф ва тасаввуф адабиёти, А.Д.Кныш мусулмон мистицизмга оид илмий ишларида ҳадисларнинг моҳиятига алоҳида эътибор қаратганлар.

XX асрда Маҳмудхўжа Бехбудий ўзининг “Икки эмас, тўрт тил лозим” мақоласининг ёзилишида Имом Бухорий тўплаган саҳих ҳадисларга таянган. Абдурауф Фитрат “Мухтасар ислом тарихи” асарида ҳадисларнинг ислом дини ривожига аҳамиятини очиб берган. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда Имом Бухорийнинг “Ал-Жомий ас-саҳих” ҳадислар тўплами ўзбек тилига таржима қилинган. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф “Дин насиҳатдир”⁷ китобида ҳадисларга “исломнинг мадори”, деб баҳо берган. Ш.Зиёдов раҳбарлигидаги илмий гуруҳ аъзолари ёзган “Имом Бухорий таърифи”⁸ асарида “Ал-Жомий ас-саҳих”нинг яратилиш тарихига оид қарашлари таснифлаган.

Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф, Усмонхон Алимов, Алоуддин Мансур, Шайх Абдулазиз Мансур, Убайдулла Уватов, Шамсуддин Бобохонов, Фозил Қори Ёсин ўғли, Раҳматулла Қори Обидов, Нажмиддин Комиловлар “Ал-Жомий ас-саҳих” асарининг дунёвий ва диний фалсафада тутган ўрни ва аҳамиятини очиб берганлар.

Б.Ахмедов, А.Ашрафов, У.Уватов, Р.Баҳодиров, Э.Ртвеладзе, Ш.Камолитдинов, А.Саидов, Х.Одилқориев, А.Жузжоний, А.Раҳманов, М.Ражабова, С.Джаббаровасарнинг тарихий аҳамиятини асослаганлар, А.Абдусамедов, Э.Юсупов, Б.Тўраев, Н.Комилов, И.Каримов, В.Алимасов, Н.Жўраев ҳадисларнинг инсон маънавий камолотидаги ўрнини асослаганлар⁹. Н.Жўраевнинг “Тахайюл, тасаввур, тафаккур”¹⁰ монографиясида диний манбалар, хусусан ҳадислардаги тарбияга оид ғоялар замонавий Ғарб фалсафасида илгари сурилган ғоялар билан қиёсий таҳлил этилган.

Тадқиқот жараёнида турли даврларда нашр этилган адабиётлар таҳлилида аксарият олимлар асосан, ҳадисларнинг ҳуқуқий, маънавий, ижтимоий тарбиядаги аҳамиятига эътибор қаратганлиги ва уларга шарҳ берганлиги аниқланганлиги боис, ушбу тадқиқот ишида Имом Бухорийнинг “Ал-Жомий ас-саҳих” асаридаги антропологик ғояларни тадқиқ этишга ҳаракат қилинган.

⁶Трименгэм Дж.: Суфийские ордены в Исламе. Издательство: София, 2002.

⁷Шайх Муҳаммад Юсуф Муҳаммад Содик. Дин насиҳатдир. –Тошкент: Нихол Ношир, 2019. 175 б.

⁸ Имом Бухориф таърифи. Ш.Умаров, Ш.Зиёдов таҳрири. – Самарқанд: Имом Бухорий халқаро маркази. 2018. 315 б.

⁹Ушбу тадқиқотчиларнинг монография ва асарлари диссертациянинг “Фойдаланилган адабиётлар рўйхати”га киритилган.

¹⁰Жўраев Н. Тахайюл, тасаввур, тафаккур. –Тошкент: Янги аср авлоди. 2015. 221 б.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Тошкент давлат педагогика университетининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ II “Жамиятнинг фалсафий, диний, ҳуқуқий, сиёсий тараққиётини таҳлил қилиш ва уни ўрганишни такомиллаштириш” бўлими асосида ИТД-4-122. “Юксак маънавиятли шахсни шакллантириш тарбия технологиясини ишлаб чиқиш” (2009-2011 йй.) ва ИТД-1-148. “Жамиятнинг фалсафий, диний, ҳуқуқий, сиёсий тараққиётини таҳлил қилиш ва уни ўрганишни такомиллаштириш” мавзусидаги устувор илмий тадқиқот йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Имом Бухорийнинг “Ал-Жомий ас-саҳиҳ” асаридаги ижтимоий-антропологик ғояларнинг замонавий шахс тарбиясидаги ўрнини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Имом Бухорий асос солган “Мусталаҳул ҳадис” илмининг гносеологик асосларини очиб бериш;

“Ал-Жомий ас-саҳиҳ” асаридаги теоцентрик ва антропоцентрик ғояларни аниқлаш;

Имом Бухорий ҳадисларининг жамият тараққиёти ва инсон тафаккури ўзгаришларидаги ролини очиб бериш;

Имом Бухорий қарашларида инсон ва унинг маънавий-ахлоқий дунёсини ижтимоий-антропологик муаммо сифатида ўрганиш;

Имом Бухорийнинг жамият ривожини, ахлоқий тарбияга оид диний, фалсафий ҳадисларини тизимлаштириш ва уларнинг янги Ўзбекистондаги аҳамиятини исботлашдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Имом Бухорийнинг ҳаёти ва маънавий мероси, ҳадислардаги фалсафий-ирфоний ғоялар танланган.

Тадқиқотнинг предмети янги Ренессанс шароитида Имом Бухорийнинг “Ал-Жомий ас-саҳиҳ” асари ва бошқа асарларида илгари сурилган ижтимоий-антропологик масалаларни илмий асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда умумийликдан хусусийликка ўтиш, қиёсий таҳлил, умумлаштириш, тарихийлик ва мантикийлик каби илмий билиш усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Имом Бухорийнинг “Ал-Жомий ас-саҳиҳ” асаридаги толерантликка асосланган ҳадисларнинг ҳаётга татбиқ этилиши оила ва жамиятда ўзаро ҳурмат, янгиланаётган ижтимоий тафаккурда тоқатлиликни таъминлашнинг доминант мезони эканлиги фалсафий жиҳатдан исботланган;

“Мусталаҳул ҳадис” илмининг шаклланиши ва тарқалишида Имом Бухорий дунёвий-илмий, диний-трансцендентал ғоялари бевосита бирламчи пойдевор вазифасини бажарганлиги ва унинг инсон маънавий борлигининг ажралмас қисми эканлиги асосланган;

“Ал-Жомий ас-Саҳиҳ” асарида инсон, унинг ижтимоий борлиқдаги ўрнига оид теоцентрик ва антропоцентрик ғоялар билан замонавий дунёвий

ва диний ғояларнинг ўзаро боғлиқлиги, янгиланаётган ижтимоий тафаккур билан уйғунлиги асосланган;

Имом Бухорийнинг фикхий, ақидавий характердаги ҳадисларидан замонавий ижтимоий қонунларни ишлаб чиқишда фойдаланиш, унинг инсон ҳуқуқлари, оила, тижорат ва меҳнат ҳуқуқи, шахслараро ўзаро муносабатларда муроса ва ҳамжиҳатликка эришиш омили эканлиги мантиқий далилланган;

Исломдаги идеал инсон (Муҳаммад пайғамбар)нинг юксак маънавий-ахлоқий фазилатларини Ўзбекистон стратегик мақсад қилиб қўйган баркамол авлодни шакллантириш жараёнларига ва уларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга проекция қилиш мумкинлиги очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Имом Бухорийнинг “Ал-Жомиъ ас-саҳиҳ” асарига берилган шарҳларнинг йўналишлари, ҳадислар маъносининг таснифлари қиёсий таҳлил этилган ва уларнинг шахс маънавий камолотига эришиш омили эканлиги очиб берилган;

Имом Бухорийнинг “Ал-Жомиъ ас-саҳиҳ” асаридаги ҳадисларнинг комил инсон тарбиясидаги аҳамияти асосланган, ҳадисларни ўрганиш ва улардан фойдаланиш бўйича тақлиф-тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференцияларда муҳокама қилинганлиги, хулоса, тақлиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, ҳадислардан ёш авлоднинг маънавий-ахлоқий тарбияси, жамиятда барқарор ижтимоий-тараққиётни таъминлаш, инсон дунёқарашининг шаклланишига таъсирини аниқлаш, диний манбаларнинг моҳиятини ўрганишга оид илмий тадқиқотларда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эса, аҳолининг, айниқса ёшларнинг маънавий, ахлоқий, ҳуқуқий ва фикр тарбиясига оид маърузалар тайёрлашда, давра суҳбатлари ташкил қилиш, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг диний маърифатга оид кўрсатув ва радио эшиттиришларини ташкил этишда, “Диншунослик”, “Ҳадисшунослик”, “Дин фалсафаси” фанлари бўйича дарслик ва ўқув қўлланмаларини тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий килиниши. Имом Бухорийнинг “Ал-Жомиъ ас-саҳиҳ” асаридаги ижтимоий-антропологик масалаларнинг моҳиятини очиб бериш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

ҳадисларда толерантлик ва антропоцентрик, диний-трансцендентал ва дунёвий-илмий ёндашувларнинг уйғун келишига оид тақлиф-тавсияларидан “Фалсафа” дарслигидаги мавзуларни тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 сентябрдаги 89-03-3119-сон маълумотномаси). Натижада, ёшларни юксак маънавиятли, ғоявий чиниққан авлод сифатида тарбиялашга хизмат қилган;

Имом Бухорийнинг “Мусталаҳул ҳадис” илмининг шаклланиши ва тарқалишидаги ўрни, унинг илмий-фалсафий қарашларига оид таклиф-тавсияларидан “Ёшларда ватанпарварлик дунёқарашини шакллан-тиришнинг илмий-педагогик технологиялари ягона тизимини ишлаб чиқиш” мавзусидаги КА-1-003 рақамли амалий лойиҳа доирасида белгиланган вазибалар ижросини таъминлашда фойдаланилган (Тошкент давлат педагогика университетининг 2020 йил 7 сентябрдаги 02-07-1609/04-сон маълумотномаси). Натижада, грант доирасида яратилган кўргазмали-тарғибот материаллари ва ўқув-методик материаллар мазмунини бойитишга хизмат қилган;

ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнларида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш каби фазилатларни тарбиялаш борасидаги фикр-мулоҳазалари, таклиф-тавсияларидан Ўзбекистон миллий телерадиокомпанисининг “O'zbekiston” телерадиоканалида 2020 йил ноябрь ойида эфирга узатилган “Миллат ва маънавият”, “Бедорлик” каби маънавий-маърифий эшиттиришларининг сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпанисининг 2020 йил 11 ноябрдаги 04-25-1095-сон маълумотномаси). Натижада, ёшларнинг маънавий салоҳиятини оширишга, уларнинг Имом Бухорий ва унинг “Ал-Жомий ас-саҳих” асари ҳақидаги билимларининг ошишига, ҳадисларнинг мазмун-моҳиятини тўлиқ англаши, уларнинг инсон камолотидаги аҳамиятини тушуниб етишига, миллий ва диний қадриятларимизни асраб-авайлашга, ислом динининг мазмун-моҳиятини тўғри англаши ва ёт ғоялар домига тушиб қолмаслигига, шунингдек, оилавий қадриятларни мустаҳкамлашга, ёшларда ахлоқий фазилатларни кучайтиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 10 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза кўринишида баён этилган, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги дин ишлари бўйича кўмитада, Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказида, Имом Бухорий ва Имом ат-Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказларида, Ўзбекистон мусулмонлари идорасида апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 28 та илмий иш, жумладан, 1 та монография, 1 та илмий рисола ва Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 15 та илмий мақола (жумладан, 10 та республика ва 5 та хорижий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўрт боб, 12та параграф, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 232 бетни ташкил этади.

Муаллиф фалсафа фанлари доктори профессор Нигина Шермухамедовага диссертацияни езишга илмий маслаҳати учун миннатдорлик билдиради.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг “**Кириш**” қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати, Республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги, диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги ҳамда тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти, предмети, усуллари ёритилган. Шунингдек, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти тавсифланган.

Диссертациянинг “**Имом Бухорий: ҳаёти, ҳадис илмининг шаклланиши ва тарқалишидаги ўрни**” деб номланган биринчи бобида Имом Бухорийнинг ҳаёти, ул зоти шарифнинг ҳадис илми шаклланиши ва тарқалишидаги ўрни борасидаги назарий-концептуал қарашлар ва унинг методологик асослари тадқиқ қилинган.

Ўзбекистон халқлари тарихида VIII-XIII асрлар муҳим босқични ташкил этади. Қадимги замонда жаҳон цивилизациясининг энг йирик тарихий-маданий марказларидан бири бўлиб келган ушбу минтақа янги ривожланиш поғонасида ўзининг мавқеини яна ҳам мустаҳкамлади ва юксалтирди. Ўрта Осиё халқларининг бу даврда қўлга киритган маданий ютуқлари, илм-фан, жумладан, фалсафа соҳасидаги янгиликлари жаҳон маданияти, илм-фани ривожининг ажралмас халқаси сифатида намоён бўлди. Бу маданият Яқин ва Ўрта Шарқда Уйғониш даври маданиятининг ўзига хос йўналиши, ютуқлари, хусусиятларига эга энг муҳим таркибий қисмлардан бири бўлиш билан бирга ўзига хос Ўрта Осиё Уйғониш даври маданиятини ташкил этади”¹¹. Бу даврда Яқин ва Ўрта Шарқдаги жараёнлар ислом динининг пайдо бўлиши, тарқалиши ва ривожини билан узвий боғлиқ бўлиб, бу унинг асосий ижтимоий-тарихий ва маънавий омилларидан бирини ташкил этади. Ислом тарихида, биринчидан, дастлабки марказлашган араб давлатининг тузилишига олиб келган янги дин сифатида намоён бўлди ва марказлашган давлатни мустаҳкамлаш омили родини ўйнади. Иккинчидан, исломнинг қабилачиликдан устун мафкура сифатида пайдо бўлиш маркази Мадинада бўлган, сўнгра Дамашқ ва Бағдодга кўчган йирик давлатнинг вужудга келишига, арабларнинг Эрон, Хуросон, Ўрта Осиё, Кавказ ва Шимолий Ҳиндистонда каттагина ерларни босиб олишлари, араб халифалигининг ташкил топиши араб жамияти, умуман, Яқин ва Ўрта Шарқ таракқиётининг янги босқичига, яъни ўрта асрларга хос муносабатларининг шаклланишига олиб келди”. Натижада Шарқда ислом дини таъсирида, аммо ислом дини тарқалган ўлка ва юртлардаги аҳолининг, халқнинг бевосита иштирокида “ислом маданияти” деб аталган феномен юзага келди. Ўрта Осиёга кириб келган даврда ислом ҳали тугалланган диний тизим бўлиб шаклланмаган эди, бунинг учун унга тўрт асрдан (VIII-XI) кўпроқ вақт керак бўлди. Бу даврдаги ислом илоҳиёт адабиётини таҳлил этиш, исломнинг тугалланган диний тизим

¹¹Ўзбекистон фалсафаси тарихи. – Тошкент.: NOSHIR, 2013, – 62 б.

сифатида шаклланиш жараёни Эрон, Хуросон, Ўрта Осиё, Кавказорти истило қилингандан кейин содир бўлганидан далолат беради. Қуръонни талқин қилиш, ҳадисларни тўплаш, шариат қонунларини ишлаб чиқиш, асосан, Эрондаги Ҳамадон, Хуросондаги Балх, Нишопур, Машҳад, Нисо, Марв, Ҳирот, Ўрта Осиёдаги Бухоро, Самарқанд, Термиз ва бошқа шаҳарларда содир бўлди”¹².

Ислом маданияти ижтимоий-тарихий жараёнларга моҳият, йўналиш берган бўлса-да, ўлкамиз халқларининг мустақил яшашга, халифат ҳукмронлиги таъсиридан қутулишга бўлган интилишини унутиб бўлмайди. Мазкур омил бутун ижтимоий ҳаётда, кишилар қалбида, ота-боболаримизнинг креатив изланишларида, ўй-хаёллари ва орзу-истакларида ўз ифодасини топмаслиги мумкин эмас эди. Уларнинг бетакрор, жаҳон маданияти ва фанига қўшган буюк кашфиётлари ана шу омилларнинг ҳам бевосита таъсири маҳсулидир. Шунинг учун IX асрда Сомонийлар, сўнг Хоразмшоҳлар, Ғазнавийлар, Салжуқийлар давлатларининг юзага келиши ўлкамизда Абул Ҳасан Азархурий ибн Уштоз Жашназ, Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий, Абу Наср Ироқ, Абул Хайр ибн Хаммор, Абул Ҳаким Муҳаммад ибн Абдумалик ас-Солиҳ ал-Хоразмий ал-Косий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Аҳмад Югнакий, Рудакий, Маҳмуд Қошғарий, Аҳмад Фарғоний, Жавҳарий, ибн Мансур Марварудий, Абу Наср Форобий, Бурхониддин Марғиноний, ҳадис илмининг буюк намоёндалари Имом Бухорий ва Имом Термизий каби кўплаб алломаларнинг яшашига, мустақил изланишларига замин яратди”. “Бу даврда ислом оламида тўрт фикҳий мазҳаб юзага келиб, қарор топди. Кўпчилик мусулмонлар уларга эргашдилар. Қуръон илми, айниқса, тафсир илми тараққий этди. Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)нинг сийратлари, саҳобалар, ислом уламо ва адиблари ҳамда тарихга оид кўплаб китоблар яратилди, араб тилида Қуръони каримга доир тафсиру шарҳлар битилди. Шу билан бирга бу даврда, айниқса халифа Ал-Маъмун ҳукмронлик қилган йилларда, ўзга халқлар маданиятининг мусулмон оламига таъсири кучли бўлди, уларнинг адибу олимлари яратган кўплаб китоблар, жумладан, антик даврда яшаб ўтган юнон олимларининг асарлари араб тилига таржима қилинди.

Ҳадис илми хусусига келсак, улар Имом Бухорий яшаган асрга келибгина ўзининг олтин даврини бошидан кечирди. Имом Бухорий ғайри саҳиҳ ҳадислардан саҳиҳ ҳадисларни ажратиб олиб, китоб тасниф этишни биринчи бўлиб бошлаб берган буюк аллома эдилар”¹³.

Шу билан бирга, Имом Бухорийгача ҳам ҳадислар тўплаган, уларни китоб ва рисоалар тарзида эълон қилган, ҳадисларни ёд олиб диахрон алоқаларни давом эттирганлар муҳаддис, суннат ва фикҳаҳли, уламолар бўлган. Имом Бухорийнинг иқрорига мувофиқ:“... Киши, токи илм бобида ўзидан устунроқ, ўзи билан тенг ва ўзидан паст кимсалардан ҳадис ёзиб олмай туриб комил муҳаддис бўла олмас”¹⁴.

¹²Ўзбекистон фалсафаси тарихи. – Тошкент.: NOSHIR, 2013, – 66-67 б.

¹³Алимов У. Имом ал-Бухорий баракоти. – Тошкент.: “Мовароуннаҳр”, 2007, – 12 б.

¹⁴Ўша асар.

Ушбу иқрордан келиб чиқиб диссертацияда, муҳаддис ҳадис илмида ворисийлик, диахрон алоқалар мавжуд бўлишини тан олади, илм аҳли ўзидан олдинги мерос ва замонавий қарашлар билан танишмай, уларни ўрганмай, яхши билмай, комил ҳадисшунос бўла олмайди, деган илмий методологик аҳамиятга эга хулосага келинган.

Ҳадислар тўплаш Муҳаммад пайғамбар тириклигидаёқ бошланган. Айнан Муҳаммад пайғамбар суннатларни соф, асл ҳолича сақланиши ва мусулмонларга етказилиши ташаббускори бўлган, уларни жамловчи тобеъин (эргашувчи, суннатларга амал қилувчи ва ўрганувчи)ларга кўмак берган. Мазкур ҳаракатнинг бошловчиси халифа Умар ибн Абдулазиз бўлган. У жойларга одам юбориб: “Мен уламоларнинг орамиздан кетишлари ва илм дарсларининг камайишидан кўрқмоқдаман, қараб, суриштириб Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг ҳадисларини ёзиб олинглар”, деб буюрган. Шундай қилиб биринчи китобни буюк тобеъин Ибн Шаҳоб аз-Зухрий (124 ҳижрий санада вафотэтган) ёзган. Бу китоб содда бўлиб, саҳобалардан эшитиб ёзиб олинган ҳадислар тўпламидан иборат эди”.

“Қуръондан кейинги иккинчи масдар”, Қуръони каримни изоҳловчи ва баён этувчи Расулуллоҳнинг ҳикматли гаплари, манбалари деганда суннат-ҳадислар тушунилади. “Суннат - ҳадиснинг маъноси Аллоҳдан, лафзи Пайғамбардан бўлган ваҳийдир”. Муснад турли мавзулардаги ҳадислар тўплами бўлиб, унда “ҳадис ривоят қилувчи саҳобалар ислом динини қабул қилган вақтига кўра, ёки алифбо тартибида жойлаштирилган”¹⁵.

“Саҳих” арабча сўз бўлиб, “ишонарли”, “тўғри”, “хатосиз” деган маъноларни англатади. Шу билан бирга диний-илмий адабиётларда “ғайрисаҳих” ёки “мавзу ҳадис” деган тушунча ҳам қўлланилади. “Ғайрисаҳих” ёки “мавзу ҳадис” “ишончсиз”, “нотўғри”, “хато” маъноларини англатиб, “саҳих” сўзининг акси сифатида ишлатилади.

Суннат-ҳадисларни тўплаш Муҳаммад пайғамбар давридаёқ бошланган. “Исломнинг биринчи кунидан бошлаб, мўмин-мусулмонлар каттаю-кичик ҳар бир нарсани ўз пайғамбарларидан ўргана бошладилар. Улар у зотдан илоҳий дастур бўлган Қуръони карим оятларидан тортиб, то оддий таҳорат олишгача бўлган ҳамма нарсаларни аста-секин қабул қилиб олар эдилар. Шунинг учун ҳам Муҳаммад (с.а.в.) муборак ҳаётларининг бирор лаҳзаси ҳам саҳобайи киромларнинг диққат эътиборидан четда қолмас эди. Чунки ул зотнинг муборак оғизларидан чиққан ҳар бир сўз, ўзларидан содир бўлган ҳар бир ҳаракат шариат ҳукми, ўрнатма, шахсий мисол, ҳикмат, насиҳат ва кўрсатма сифатида қабул қилинарди”¹⁶. Шу тариқа саҳобалар Муҳаммад пайғамбарнинг суннат-ҳадисларини тўплаб, ўрганиб, уларга амал қилиб, кейин эса бошқа мусулмонларга, улар ўз навбатида авлодлари-тобеъинларга етказганлар. Бироқ бу саъй-ҳаракатлар илмий характерда эмас эди. Ҳатто Ҳазрати Умар ва Ҳазрати Усмон халифалиги давридаги ҳадислар

¹⁵Қаранг: Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. “Ал-Жомий ас-саҳих” (Ишонарли тўплам). 1-жилд. – Тошкент.: “Қомуслар бош таҳририяти”, 1991, – 4 б.

¹⁶ Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Ҳадис ва ҳаёт. Мукаддима.1-Жуз. Тошкент.: – Шарқ, 2004. – 16-17 б.

тўплашга қўйилган қатъий талаблар, Муҳаммад пайғамбарнинг “Сизларга икки нарсани қолдирдим. Агар уларни маҳкам тутсангиз, ҳеч адашмайсиз. Булар - Аллоҳнинг Китоби ва менинг Суннатимдир”¹⁷, деган алоҳида таъкидларига қарамай, айниқса, ижтимоий-сиёсий, мазҳабий, қавмий-эътиқодий, хусусий ихтилофлар туфайли суннат-ҳадисларда ғайрисаҳиҳ ривоятлар, гаплар аҳли динни исломдан, Муҳаммад пайғамбар таълимотидан чалғитувчи фикрлар, оқимлар пайдо бўлди. Ҳазрати Усмон даврида ислом дини кенг тарқалиб Муҳаммад пайғамбар суннат-ҳадисларидан шахсан хабардор саҳобалар турли юртларга тарқалиб кетди. “Қолаверса, сиёсий фитналар чиқиб, турли жанжаллар бошланди. Хилма-хил фирқалар юзага келди. Орада ҳам қуролли, ҳам фикрий, ҳам даҳанаки жанглар авж олди. Ўша пайтдаги оммавий ҳаёт диний ҳаётдан иборат бўлгани учун ҳар ким ўзини диндор кўрсатишга, ўзининг қилаётган ишига, айтаётган гапига Қуръон ва Суннатдан далил келтиришга уринар эди”¹⁸. Бундай пайтда ислом динини ғайридиний унсурлардан, суннат-ҳадисларни сохта гаплар, ривоят ва хабарлардан холи қилиш лозим бўлди. “Аср бошида Қуръондан бошқа нарсани расмий равишда ёзмаслик давлат сиёсати бўлса, энди ўша вақтдаги омиллар ўзгарган, ҳадисларни расмий равишда ёзиб, эҳтимом беришни давлат сиёсатига айлантириш давр талаби бўлиб қолган эди”¹⁹. Мазкур талабни саҳобаларни кўрган, уларнинг ривоят ва нақлларини, сўзларини эшитган, амалларини шахсан кузатган тобеъинлар амалга оширишга киришдилар. Натижада ислом динига, Муҳаммад пайғамбар ҳаётига бўлган қизиқиш турли диний, метафизик ва илмий қарашларга эга муҳаддисларни ҳаёт саҳнасига олиб чиқди. Айнан улар “Мусталаҳул ҳадис” илмининг юзага келишига замин тайёрладилар.

Диссертацияда “Мусталаҳул ҳадис” илмининг шаклланиши, илмий методологик, фалсафий ва диний-маърифий масалалари тадқиқ этилган. “Мусталаҳул ҳадис” ўзбек тилида, балки бутун Марказий Осиё (Мовароуннаҳр) халқлари тилида, ҳадис илмига оид энг муҳим илмий, методологик ва диний-фалсафий масалаларни ёритишга жазм қилган илк асардир. Унгача битилган диний-илмий асарларда ҳадисларнинг рационал асослари, Муҳаммад пайғамбарнинг сўзлари, деганлари, ҳаёт тарзи, эътирофлари билан боғлиқ масалалари у ёки бу даражада қайд этиб келинган, аммо уларнинг ҳеч бири “Мусталаҳул ҳадис” илми мавжудлигини асослашга интилмаган. Ҳатто диний-илмий изланишларида Муҳаммад пайғамбарнинг суннат-ҳадисларига энг кўп мурожаат этган Ғаззолий, Шайх Фаридуддин Аттор, Имом Аъзам, Имом Шофеъий, Абу Ҳанифа ҳам бу борада бирор аниқ фикр билдирганлари маълум эмас.

“Мусталаҳул ҳадис”ни илм, илмий фаолият соҳаси дейилиши ғарбона тафаккурга эга кишида, айниқса, диний-илмий меросдан беҳабар бўлган тадқиқотчида савол, эътироз уйғотиши табиий ҳолдир. Шунинг учун

¹⁷ Ўша асар. – 14 б.

¹⁸ Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Ҳадис ва ҳаёт. Мукаддима.1-Жуз. Тошкент.: – Шарқ, 2004 24-25 б.

¹⁹ Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Мусталаҳул ҳадис. Тошкент.: – Шарқ, 2011. – 26 б.

“Мусталахул ҳадис” илмининг тадқиқот объекти (предмети), мақсади, асосий категориялари, унда қўлланиладиган методлар ҳақида маълумот бериб ўтиш даркор. Имом Бухорийнинг ҳаёти, диний-илмий изланишлари, асосий асарлари хисобланмиш “Ал-Жомий ас-саҳиҳ” ва “Ал-адаб ал-муфрад” айнан “Мусталахул ҳадис”нинг илм сифатида шаклланишига ва тарқалишига хизмат қилади.

Очиқ айтиш керакки, Мустақиллик йилларида эълон қилинган диний-илмий асарларда “Мусталахул ҳадис” ўзининг имманент қонуниятлари ва талабларига эга илмий фаолият экани эсга олинмайди. Ҳатто Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси раиси муфтий (ҳозирда шайх) Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуфнинг Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорийнинг “Ал-Жомий ас-саҳиҳ” (“Ишонарли тўплам”) асарига ёзган муқаддимасида ҳам, унинг 2002 йилда тайёрлаган “Ҳаёт ва ҳадис” китоби муқаддимасида ҳам “Мусталахул ҳадис” мавжудлиги келтирилмайди. Уларда “*ҳадис илми*”, “*суннат тарихи*” каби иборалар тилга олинса-да, аслида улар “Мусталахул ҳадис”нинг айнан ўзи эмас. Бизнинг фикримизча, Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф ўзининг ўттиз тўққиз жилдлик “Ҳадис ва ҳаёт” мажмуасини тайёрлаш жараёнида мусулмон Шарқда шаклланган “Мусталахул ҳадис”ни диний илм сифатида ўзбек ўқувчиларига тақдим этиш зарурлигини англаб етган. Шу боис Шайх Муаммад Содик Муҳаммад Юсуф 2010 йилга келиб “Мусталахул ҳадис” илми ҳақида китоб тайёрлашни ният қилади ва бу борадаги ишларни бошлаб юборади. Мазкур ниятнинг маҳсули сифатида “Шарқ” нашриёти Шайхнинг “Мусталахул ҳадис” китобини, “Ҳаёт ва ҳадис” мажмуаси таркибида, 2011 йили чоп этади.

“Мусталахул ҳадис” ўзбек тилида, балки бутун Марказий Осиё (Мовароуннаҳр) халқлари тилида, ҳадис илмига оид энг муҳим илмий, методологик ва диний-фалсафий масалаларни ёритишга жазм қилган илк асардир. Унгача битилган диний-илмий асарларда ҳадисларнинг рационал асослари, Муҳаммад пайғамбарнинг сўзлари, деганлари, ҳаёт тарзи, эътирофлари билан боғлиқ масалалари у ёки бу даражада қайд этиб келинган, аммо уларнинг ҳеч бири “Мусталахул ҳадис” илми мавжудлигини асослашга интилмаган. Ҳатто диний-илмий изланишларида Муҳаммад пайғамбарнинг суннат-ҳадисларига энг кўп мурожаат этган Абу Ҳомид Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Ғаззолий, Шайх Фаридуддин Аттор, Имом Аъзам, Имом Шофеъий, Абу Ҳанифа ҳам бу борада бирор аниқ фикр билдирганлари маълум эмас. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф очиқ тан олишга мажбур бўлади: “Бизнинг муҳаддисларимиздан олдин керакли инсонларнинг ижтимоий ўрни ва салоҳиятини алоҳида ўрганиб, ўша ўрганилган маълумотларни илмий равишда қайд қилиб, китоб шаклига келтирган халқ бўлмаган. Ровийларнинг ишончли ёки ишончсиз эканликларини, уларнинг ёд олишдаги қувват даражаларини ва бошқа нарсаларни ўрганиш учун олиб борилган изланишлар натижасида мазкур жуда катта-катта ва буюк илм юзага келган”²⁰. Ушбу ички зиддиятларга тўла, бир-бирига мувофиқ

²⁰ Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Мусталахул ҳадис. Тошкент.: – Шарқ, 2011. – 5 б.

келмайдиган икки фикрни мантиқий таҳлил этишга берилмай, юқоридаги таъкиддан маълум бўладики, “Мусталаҳул ҳадис” то Қози Абу Муҳаммад Ҳасан ибн Абдурроҳман ибн Холлад Ромаҳурмузий (у кишининг ҳижрий 360 санасида вафот этгани маълум)нинг “Ал-муҳаддисул фосил байнар-ровий вал воъий” асаригача диний-илмий таълимот фаолият сифатида маълум эмас эди. Шунинг учун ҳам Шайх Қози Абу Муҳаммад Ҳасан ибн Абдурроҳман ибн Холлад Ромаҳурмузий асарларини ҳадис илми шаклланишини бошлаб берган “биринчи китоб” деб атади”²¹.

“Мусталаҳул ҳадис” шундай илми, унда ҳадисни қабул қилиш ёки рад этиш учун матн ва санаднинг аҳволларини текширишни ўргатадиган қоида ва усуллар ўрганилади”²². Бу ўринда “санад” дейилганда ҳадис айтувчилар, уларнинг кетма-кет келиши, ўзаро боғлиқ ҳолда ривоят қилиши кабилар тушунилади. Демак, ҳадис шунчаки келтирилмайди, уни ривоят қилувчиларнинг исми-шарифи, мақомати, агар Муҳаммад пайғамбар саҳобаларига яқин бўлса, ушбу яқинлиги кабилар навбатма-навбат, хронологик тарзда эътироф этилади. Ҳадис Набий саллаллоҳу алайҳи вассалламгача хронологик тарзда етиб бориши зарур.

Ҳанафий уламолар ҳадисларни “мутавотир ҳадис”, “машҳур ҳадис” ва “оҳод ҳадис”ларга ажратадилар. Мутавотир ҳадисларни иккиланмай ишончли, мутлақ саҳиҳ, тўғри ҳадис дейиш мумкин. Унинг талабига кўра ҳадисни Расулulloҳ с.а.в.дан камида ўнта саҳоба, ушбу саҳобалардан ҳам камида ўнта тобеъин, ушбу тобеъинлардан ҳам камида ўнта ровий эшитган бўлиши шарт. Яъни, санаднинг ҳар бир табақасида ровийлар, ҳадисчилар сони ўнтадан кам бўлмаслиги даркор.

Машҳур ҳадиснинг ровийлари ҳар бир табақада камида учта бўлиши талаб этилади. Имом Бухорийнинг “Ал-Жомийъ ас-саҳиҳ” ва “Ал-адаб ал-муфрад” асарларидаги суннат-ҳадисларнинг аксарияти ушбу йўналишдадир.

Ҳадисларни ёд олишга алоҳида эътибор берилган. Ислом оламида инсон хотирасига, зеҳнига, ёд олиш кўникмасига ишониш муҳим ўрин тутуди, ҳатто Қуръони каримни ёддан билиш, бошқаларга ёд орқали етказиш анъана бўлган. Имом Бухорийнинг ўзи ҳам Қуръони каримни ёд билган, уч юз минг ҳадисни, уларни етказган ровийлар ҳаёти, эътиқоди, ҳоли, мазҳаби, адолатли эканини хотирасида сақлаган. Ёдлаш, хотирада сақлаш унга ҳадисларни ваъз қилиш учунгина эмас, балки саҳобалар ва ровийлар хабарларини саҳиҳлигини текшириб кўриш, синовдан ўтказиш учун зарур эди. Имом Бухорий “ўз шайхлари ал-Ҳумайдий Абдуллоҳ ибн Зубайрни ўрганиб, ишончли ровий эканига қаноат ҳосил қилганидан кейин Ал-Ҳумайдийнинг шайхи Суфённи ўрганишга киришади. Суфёнда ҳам ҳадиси қабул бўлиши учун зарур ҳамма шартларни топганидан кейин икковлари қаерда, қачон, қандай учрашганлари ҳақида ҳужжат ва далил келтиради. У ҳам собит бўлганидан кейингина учинчи ровийни ўрганишга

²¹Ўша асар, 2011.– 10 б.

²²Ўша асар. – 19 б.

киришади. Шундай қилиб, ҳар бир ҳадисни неча киши ривоят қилган бўлса, ҳаммаси текшириб чиқилади²³.

“Мусталаҳул ҳадис” илми талабига кўра ҳадис саҳиҳ, тўғри, ишонарли бўлиши учун бешта талабга жавоб бериши шарт.

Биринчиси, санади бардавом улашган;

Иккинчиси, ровийлар адолатли;

Учинчиси, ровийлар зобтли бўлиши;

Тўртинчиси, ҳадис иллатли ва

Бешинчиси, шозз бўлмаслиги лозим²⁴.

“Мусталаҳул ҳадис”да дунёвий-илмий ва диний-трансцендентал ёндашувлар уйғун келади. Шу нуқтаи назардан Имом Бухорийнинг ҳадисларни ўрганиш борасидаги изланишлари ва қолдирган мероси диний-илмий, яъни трансцендентал ва дунёвий ёндашувлар уйғунлиги ифодасидир.

Матн, ҳадисдаги сўзлар, иборалар Мусталаҳул ҳадис илмида энг муҳим қисм ҳисобланади. Санадлар, ровийларҳоли ўрганилгач, матн текширилади. Муҳаммад пайғамбар лафзига хос иборалар, сўзлар муҳаддис эътиборида туради, у мазкур иборалар, сўзлар орқали ҳадиснинг саҳиҳлигини аниқлайди. Бу ўринда муҳаддисдан грамматика ва стилистика қонун-қоидаларидан хабардорлик талаб этилади. Сўзлар ва ибораларнинг луғавий, мантиқий ҳамда аксиологик моҳиятини топиш, ўрганиш алоҳида илмдир. Араб тилини мукамал эгаллаган Имом Бухорий ҳар бир ҳадисдаги сўзлар ва ибораларни диққат ва қунт билан ўрганиб, текшириб, уларни бошқа ҳадислардаги вариантлари, синонимлари билан қиёслаб чиққан. Шундай синовдан ўтган ҳадисларни у саҳиҳ ҳисоблаб, асарларига киритган.

Диссертациянинг **“Имом Бухорийнинг “Ал-Жомий ас-саҳиҳ” асарида инсон ва унинг ижтимоий борлиқдаги ўрнига оид ғоялар”** деб номланган иккинчи бобида Аллоҳнинг яратувчанлик қудратига ишонган, унинг бутун олам сарвари ва ҳукмдори эканини тан оладиган, “яъни, ғойибга (Аллоҳ, фаришталарборлигига) ишонадиган, намозни тўла-тўқис адо этадиган, Тангри берган неъматлардан бошқаларга эҳсон - яхшилиқ қиладиган, Қуръон ва ундан олдин келган бошқа илоҳий китобларга иймон келтирадиган ва бу дунёдан бошқа яна бир дунё - охират борлигига ишонадиган тақволи (ҳаромдан парҳез қилувчи) кишиларгина мўминлардир. Кимда мазкур сифатлар топилмас экан, у кофир бўлади”²⁵ деган ғоя таҳлил қилинган ва очиб берилган.

Қуръони карим талқинига кўра, инсон Аллоҳга ҳамду санолар айтиб, унга ва у юборган илоҳий китобларга, пайғамбарларга итоат этиб яшаши лозим. Ушбу теоцентриқ концепцияси орқали ислом инсонга бўлган қарашини, муносабатини баён этади. Исломдаги антропологизм теизмдан мутлақ ажратилган, мутлақ бир-бирига қарши қўйилган эмас, улар уйғун келади. Шунинг учун диссертацияда исломдаги антропологик ғояларни

²³ Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Ҳадис ва ҳаёт. Муқаддима. 1-Жуз. - Тошкент.: - Шарқ, 2004. - 33 б.

²⁴ Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Мусталаҳул ҳадис. - Тошкент.: SHARQ, 2011. 57 б.

²⁵ Ўша асар. - 7 б.

ўрганганда уларни теистик қарашларга қарши қўймаслик, балки антропологик ғоялар мавжудлигига, уларни чуқурроқ ўрганишга эътибор қилиш керак, деган илмий-фалсафий хулосага келинган. Инсоннинг ижтимоий борлиқдаги ўрни эса Аллоҳга бўлган муносабатида, Унинг элчиси Муҳаммад пайғамбарга ишончида, У зотнинг фазилатлари, айтганлари ва турмуш тарзига мувофиқ яшаганидадир. Бу ўринда инсон алоқалари Аллоҳ ёки унинг элчиси билангина чегараланиб қолмайди, у Аллоҳ яратган дунё ва бандалари, яъни бошқа инсонлар билан муносабатларга киришади. Ушбу муносабатлар инсоннинг ижтимоий борлиқдаги ўрнини белгилайди. Шу тариқа ислом социоантропология томон йўл очиб беради.

Ислом ва ислом фалсафасида инсон масаласи марказий ўринда туради. Қайси мавзу тўғрисида сўз юритилмасин унинг ижтимоий моҳияти, диний-илмий аҳамияти инсон орқали, унинг жамият билан муносабатлари орқали очиб берилади. Ушбу анъана “Ал Жомиъ ас-саҳиҳ” асарида ҳам марказий ўринда туриши табиий ҳолдир.

Диссертацияда ҳадислардаги теоцентриқ ва антропоцентриқ ғоялар таҳлил қилинган. “Ал-Жомиъ ас-саҳиҳ” асарида жамланган ҳадислар турли ижтимоий, сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий ва иқтисодий мавзуларни баён қилса-да, уларни теоцентриқ ва антропоцентриқ кўринишларга гуруҳлаш мумкин. Бунда биринчидан, ислом догматикаси талаблари, иккинчидан, ушбу догматика марказида Аллоҳ билан бирга инсон тургани назарда тутилади. Ушбу икки йўналишни эклектик ҳодисаларнинг синкретизми деб эмас, балки ўзаро имманент боғлиқ воқеалар сифатида қараш мақсадга мувофиқдир. Ана шунда ҳадисларнинг ҳам, ислом динининг ҳам ижтимоий моҳияти тўлароқ аён бўлади.

Ҳадислардаги теоцентриқ ғоялар Қуръони каримга асосланади. Имом Бухорий Қуръони карим билан боғлиқ ҳадисларни “Қуръон фазилатлари китоби”да жамлаган. 27 бобдан иборат ушбу китобда Муҳаммад пайғамбарга Маккада ўн йил, Мадинада ҳам ўн йил Қуръон нозил бўлгани ривоят қилинган.

Демак, “Ал-Жомиъ ас-саҳиҳ” Қуръони каримнинг нозил қилинганини, кейинчалик уни Убай ибн Каъб, Муоз ибн Жабал, Зайд ибн Собит ва Абу Зайд жамлаганини тасдиқлайди.²⁶ Шу тариқа барча манбалар ва исломий-диний адабиётлар Қуръони карим Оллоҳнинг китоби эканини тан олади. “Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу айтадилар: “Ибодатга лойиқ зот бўлиш ўзи танҳо Аллоҳ ҳаққи! Аллоҳнинг Китобидан қайси сура нозил қилинган бўлса, мен унинг қаерда нозил қилинганини ҳамда қайси оят нозил қилинган бўлса, мен унинг не ҳақда нозил қилинганини билурман. Агар бирор кишининг Оллоҳнинг каломини мендан яхшироқ билувчи эрканини билсам, унинг олдига, у туяда борадиган жойда бўлса ҳам, борур эрдим!”²⁷

Қуръони каримнинг Аллоҳнинг китоби экани, ундаги суралар, оятлар фалсафий мазмунда талқин қилингани ҳамда илмий асосга эга экани Харун

²⁶Ал-Жомиъ ас-саҳиҳ. 3-к. - 370 б.

²⁷Ўша жойда.

Яхё (Аднан Окта) асарларида асосланган²⁸. Қуръони каримнинг ўзида эса Аллоҳнинг барча нарсани яратиб, расо қилиб қўйган, ўт-ўланни ундириб чиқариб, сўнг уни қорамтир хас-хашак қилган зот экани уқтирилади²⁹. Шу тариқа исломда теоцентриқ ғоя шаклланган. Аллоҳ ушбу теоцентриқ ғоянинг номи, ўзаги, мағзидир.

Ҳадисларни ўрганишда азиз, улуғ ҳадисшунослар тўплаган, Пайғамбар саҳобалари гувоҳлик берган ривоятларни ўрганиш талаб этилган. Муҳаммад пайғамбар дейди: “Кимки менинг номимдан ёлғон ҳадис тўқиб тарқатса, дўзахнинг хоҳлаган еридан ўзига жой танлайверсин!”³⁰

Ушбу мисоллар ва ҳадислардан келиб чиқадиган хулоса шуки, исломдаги теоцентриқ ғоя Аллоҳ, Қуръони карим, Муҳаммад пайғамбар ҳадис-суннатлари билан боғлиқдир. Ушбу ғоя эса калимаи шаҳодат, намоз, закот, ҳаж ва рўза тутмоқ орқали амалга оширилади.

Инсонлар ҳамма даврларда, барча ижтимоий-тарихий босқичларда ва сиёсий тузилмаларда қандайдир сеҳрли, кучли, ҳис-ҳаяжон уйғотувчи символлар, тушунчалар атрофида бирлашиб келганлар. Э.Дюркгеймнинг таъкидлашича, “кишиларни бирлаштирувчи сезги ва ҳис-туйғулар ҳар қандай ижтимоий борлиқнинг ядроси бўлиб келган. Шунинг учун ҳам дин жамият онгидир, чунки ижтимоий ҳаёт, ўзининг ранг-баранглигида, маълум бир символларда мавжуддир. Мазкур жамият онги илоҳий қараладиган қандайдир бир объектни танлайди.”³¹

Теоцентриқ ғояни априори сифатида қабул қилишга қалбнинг, руҳнинг очиклиги, шайлиги қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратишни талаб этади:

- биринчидан, теоцентриқ ғояни қабул қилиш учун этномаданият ва этнопсихологик тажриба айнан бўлиши шарт эмас (масалан, араблар билан ўзбеклар этномаданияти ва этнопсихологик тажрибаси асло айнан эмас);

- иккинчидан, теоцентризм учун этнос Бутунни, Муқаддасни, Етукни излаш тажрибасига, ушбу тажрибасини авлодларга трансляция қилиш имконига эга бўлиши керак;

- учинчидан, этнос лидерлари, етакчилари теоцентриқ ғояни қабул қилиши ва тарғиб этиши, лозим бўлса, бу йўлда ўз жонини ҳам қурбон қилиши зарур;

- тўртинчидан, теоцентризмни антропологизм, инсонлар ҳаёти орзу умидлари билан боғлаш даркор.

Диний догматика ҳар доим ҳаётий тажрибага асосланавермайди, у инсонни илоҳий символга талпиниб, унинг даъватларига қулоқ тутиб, талабларини бажариб яшашга ундайди. Баъзи ҳолларда эса теоцентризмни мутлақ ҳақ ғоя сифатида талқин этади, бу эса диндаги антропологик қарашларга соя солади, уларни хиралаштиради. Лекин Қуръони карим ва ҳадис-суннатларни ўқиган ҳар бир киши улардаги ҳеч бир сура, оят, хабар,

²⁸Қаранг: Харун Яхъё (Аднан Окта). Чудо Корана. Научные, исторические и математические феномены. – М.: Изд. Дом Культура Паблшинг, 2012, - 554 с.

²⁹Қуръони карим. Алоуддин Мансур таржимаси. – Т.: Чўлпон, 1992. – 622 б.

³⁰ Ахлоқ-одобга оид ҳадис намуналари. – Т.: Фан, 1990, - 154 б.

³¹Қаранг: Белл Д. Отсвященного к светскому// Религия и общество. – Москва.: АСПЕКТ-ПРЕСС, 1996. – С. 699.

ривоят инсондан ташқарида қаралмаслигини кузатади. Ҳатто Аллоҳнинг ҳар нарсага қодир Мутлақ экани уқтирилганида ҳам, Аллоҳнинг барча талаблари инсонга қаратилганини, Муҳаммад пайғамбар эса, унинг ердаги элчиси (у ҳам инсон) сифатида, инсонларнинг покдамон, художўй, адолатли, гўзал ахлоқли, иймонли, олампарвар бўлиши учун қайғураётганини, азият чекаётганини сезади. Демак, исломдаги теоцентризм моҳиятан антропоцентризмга қурилган ғоядир.

Ҳадислардаги антропоцентрик ғоялар қуйидаги йўналишларда тадқиқ этилган:

- 1) Инсон - Аллоҳга бўйсунувчи, Ундан кўрқиши лозим.
- 2) Инсоннинг Аллоҳ ва унинг Расули олдида ўз бурчи, вазифалари бор.
- 3) Инсон ўз қавми, халқи ва биродарлари олдида масъулдир.
- 4) Инсон - инсоний ҳуқуқларига эга субъект.
- 5) Инсон эзгулик, маънавий-маданий бойликлар яратувчидир.

Ислом догматикаси инсонни Аллоҳ ва унинг Расулига итоат этишга, уларнинг сўзлари, ваҳийлари ва ҳадис-суннатларига амал қилишга чақиради. “Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам айтадилар: Қуйидаги уч нарса кимда бўлса, у иймондан ҳаловат топғусидур:

- кимки Аллоҳ ва унинг Расулини бошқалардан яхшироқ кўрса;
- яхши кўрган кишисини фақат Аллоҳ яхши кўргани учун яхши кўрса;
- кофирликка қайтишни худди ўтга тушгандек ёмон кўрса”³².

Бошқа бир ҳадисда Аллоҳ ва унинг Расулига итоат этмоқ барча мусулмонларнинг бурчи, уни бажариш инсонларга яхшилик олиб келиши, эътиқодини мустаҳкамлаши таъкидланади. “Дин Аллоҳ ва унинг Расули, мусулмонларнинг имомлари ва барча мусулмонлар йўлида қилинадиган насиҳатдур”³³. Аллоҳ ва унинг Расулига иймон келтириш инсондаги чуқур эътиқод белгисидир, уларга ширк келтирмоқ кофирлик ҳисобланади. Кўриниб турибдики, инсоннинг Аллоҳ ва унинг Расули олдидаги бурчи энг аввало, уларни севмоқ, уларга иймон келтирмоқдир. Ушбу бурчи орқали инсон мусулмон бўлади, ислом догматикасини қабул қилади.

Ҳадисларда инсон ўз қавми, халқи ва биродарлари олдида масъул экани, улар билан ижтимоий, ҳуқуқий, ахлоқий алоқалар ўрнатиб яшаши зарурлиги антропологик концепция даражасига кўтарилади. “Инсон билан инсон” концепцияси³⁴ ҳадислардаги антропологик ғояларнинг асосини ташкил этади.

Ҳадислардаги антропоцентрик ғоялар инсонни эзгулик, маънавий-маданий бойликлар, қадриятлар яратувчи зот деб билганда ҳам намоён бўлади. Бу ўринда инсоннинг ижтимоий бойликлар яратувчилик кучи тан олинганига, исломнинг уни қўллаб-қувватлашига дуч келамиз. Аммо қандай бойликлар, қадриятлар яратиши инсоннинг ўзига, унинг ниятига боғлиқдир. Чунки Имом Бухорий келтирганидек: “Барча амаллар ниятга яраша бўлғусидир. Кимки ҳижратдан нияти дунё топмоқ эрса, дунёга эришғуси, кимки ҳижратдан нияти хотин олмоқ эрса, хотинга никоҳланғусидир. Демак,

³² Ал-Жомийъ ас-саҳих. 1-к. – 16 б.

³³ Ўша асар. – 27 б.

³⁴ Ўша асар. – С. 232.

не ниятда ҳижрат қилганлиғи эътиборга олинғусидир”³⁵. “Ҳар бир киши ниятига ва ўзига яраша амал қилгайдир.”³⁶

Ҳадисларда инсоннинг ижтимоий борлиқ билан алоқалари диний ва дунёвий, трансцендентал ва антропологик ғоялар уйғунлиги негизига қурилган. Уларда ислом догматикасига таяниш зарурлиги мудом такрорлансада, инсон масаласи, антропологик ёндашиш ҳам мудом ёнма-ён келади, баъзи ҳадисларда эса ҳатто бирламчи ўрин эгаллайди.

Ҳадисларни ўрганишда азиз, улуғ ҳадисшунослар тўплаган, Пайғамбар саҳобалари гувоҳлик берган ривоятларни ўрганиш талаб этилган. Муҳаммад пайғамбар дейди: “Кимки менинг номимдан ёлғон ҳадис тўқиб тарқатса, дўзахнинг хоҳлаган еридан ўзига жой танлайверсин!”³⁷

Ушбу мисоллар ва ҳадислардан келиб чиқадиган хулоса шуки, исломдаги теоцентриқ ғоя Аллоҳ, Қуръони карим, Муҳаммад пайғамбар ҳадис-суннатлари билан боғлиқдир. Ушбу ғоя эса калимаи шаҳодат, намоз, закот, ҳаж ва рўза тутмоқ орқали амалга оширилади.

Бундан ташқари ҳадисларда трансцендентал ифодалар, иборалар ҳам мавжуд, бу энг аввало ислом динининг ўзига хос тилга, грамматикага эга экани билан боғлиқдир. Имом Бухорий ҳадисларнинг нафақат саҳиҳлигига, худди шунингдек, матнининг ҳам ўз давридагидек сақлаб қолинишига эътиборини қаратган.

Диссертациянинг учинчи боби “**Ал-Жомий ас-саҳиҳ**” ва ислом ҳуқуқшунослиги: **ижтимоий-антропологик таҳлил**” деб аталган. Унда ҳадислардаги инсон ҳуқуқлари, тижорат ва меҳнат ҳуқуқи, оила ҳуқуқи билан боғлиқ масалалар тадқиқ этилган. Асосий эътибор ижтимоий-антропологик масалаларга қаратилган. Ислам ҳуқуқшунослигида инсон, унинг ҳаёти тижорат ва меҳнат ҳуқуқида, оилавий муносабатларда намоён бўлиши, ҳимояланиши очиб берилган.

Инсон ва унинг ҳаёти олий қадрият экани бугун аксиомадир, аммо мазкур фалсафий-антропологик хулосага келгунича инсоният узоқ ижтимоий-тарихий тараққиёт босқичларини босиб ўтди. Ҳуқуқ фалсафаси, сиёсий-ҳуқуқий таълимотлар тарихи, давлат ва ҳуқуқ назарияси тўплаган манбалар, чиқарган хулосалар кўрсатадики, инсоният ҳечқачон эркинлик, адолат, тенглик излашдан тўхтамаган, у ўзининг ижтимоий борлигини ва ҳаётини мудом маълум бир нормалар, тартиблар, урф-одатларга мувофиқ олиб боришга интилган. Бу борада у таъқиқ, мажбурлаш, чегаралаш усулларидадан фойдаланишдан кўрқмаган.

Ўрта Осиёлик фикҳшунос алломалар ислом динида бошлаб берилган инсон ҳуқуқларига оид меросга катта ҳисса қўшдилар, улар маълум бир сабаблар билан ёритилмаган, эътибордан четда қолган инсон ҳуқуқларини ўзининг фикҳий таълимотларига асос қилиб олдилар. Ана шундай шахслардан бири Абу Ҳанифа бўлган. Абу Ҳанифанинг “ҳуқуқий қарашлари шахсий эркинликка асосланган бўлиб, ҳар доим инсоннинг ирода

³⁵ Ал-Жомий ас-саҳиҳ. – 1-к. – 7 б.

³⁶ Ўша асар. – 27 б.

³⁷ Ахлоқ-одобга оид ҳадис намуналари. – Т.: Фан, 1990, - 154 б.

эркинлигини ҳурмат қилади ва ҳеч кимга ҳар бир инсонга хос бўлган шахсий тасарруфларига аралашиб учун рухсат бермайди. Шунга биноан жамоа ҳам, валийи амр (давлат арбоблари) ҳам бир кишининг шахсий ва хусусий ишларига, агар у бирон бир диний ишга ҳурматсизлик кўрсатган бўлмаса, аралашиб ҳуқуқига эга эмаслар. Демак, Абу Ҳанифа одамларни тарбиялаш ва тўғри йўлга солиш соҳасида инсон иродасини мустаҳкамлаб, таъсирчан услублар орқали уни эзгуликка томон йўллаш, уни ҳар доим назорат остига олмаслик, унга ўз иродаси ва ихтиёри билан ҳаёт йўлини танлаш учун имконият бериш тарафдори эди”³⁸. Кўриниб турибдики, ислом ҳуқуқшунослари, фикҳшунослар инсон ҳуқуқларини мутлақ четлаб ўтган эмаслар, улар инсоннинг инсоний ҳуқуқларини ислом догматикасидаги имкониятлардан, турлича талқин қилиш усулларида фойдаланиб ҳимоя қилганлар.

Инсон ҳуқуқлари ичида мулкка эгаллик қилиш муҳим ўрин тутди. Мулк инсонга фаровон яшаш, ижодий қобилиятини тўла намоён қилиш, жамият ҳаётини бошқаришда қатнашиб, ижтимоий-иқтисодий муносабатларда фаол иштирок этиш имкониятларини беради. Исломга кўра, инсон балоғат ёшига етиши билан “ўз мол-мулкининг эгаси ҳисобланади, уни ўз молини тасарруф қилиб идора қилишдан маън этишда ҳеч қандай манфаат (фойда) мавжуд эмас, балки бу иш унинг инсонийлик мақомини оёқости қилишга олиб боради. Абу Ҳанифа фикрича, эркин инсоннинг иродасини оёқости қилишдан аламлироқ нарса йўқдир.

Ҳадисларни ва улардаги инсон ҳуқуқларига оид фикҳий масалаларни ўрганиш шуни кўрсатадики, инсон ҳуқуқлари ислом догматикаси асосига қурилган. Аллоҳ қонун яратувчи ва инсоннинг барча ҳуқуқларининг манбаидир. “Ушбу ҳуқуқнинг илоҳийлиги туфайли Аллоҳ берган инсон ҳуқуқларини ҳеч бир раҳбар ёки ҳукумат, ҳеч қандай жамоа ёки ҳокимият чеклаши, бекор қилиши ёки бузиши мумкин эмас, ҳеч ким уларни поймол этиши ҳам мумкин эмас. Исломда инсон ҳуқуқлари бутун исломий тартибнинг таркибий қисмидир, барча мусулмон давлатларининг ҳукуматлари ва идоралари уларни ушбу тартиб доирасида бекаму кўст ва оғишмай бажаришлари шарт, деб таъкидланади.”³⁹

Инсоннинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни реал маконда ва реал муносабатларда намоён бўлади. Бу макон - оиладир. Оилавий муносабатлар эса ўз навбатида реал, ижтимоий муносабатларнинг ҳам инъикосидир. Ислом ва ҳадисларда оила ҳуқуқи инсон манфаатлари - соғ-саломат ўсиши, никоҳга кириши, эр ёки хотин танлаши, фарзанд кўриши, умумий мол-мулк йиғиши кабилар орқали баён қилинади. Улар марказида инсон манфаатлари туради, инсонни маънавий-руҳий, жинсий баркамоллигига эришиш йўллари кўрсатилади. Ҳадисларда инсон тирик, ўзининг жинсий, биологик ва социологик эҳтиёжларига эга мавжудот сифатида қаралади. Лекин жинсий эҳтиёжларни қондириш иймон-эътиқод, фарзанд кўриш, оилавий муносабатларни мустаҳкамлаш, бир-бирини ҳурмат қилиш, эъзозлаш каби

³⁸Жузжоний А.Ш. Ислом ҳуқуқшунослиги. Тошкент.: Тошкент ислом университети, 2002. – 130-131 б.

³⁹ Раҳманов А.Р. Ислом ҳуқуқшунослигида инсон ҳуқуқлари ва шахс мақоми. Юридик фанлар номзоди...дисс.автореферати –Тошкент: 2002.- 25 б.

хусусиятлар билан уйғун келиши лозим. Демак, оилавий муносабатлар инсонда иймон-этиқодни мустаҳкамлаши, унда инсоний фазилатларни шакллантириши орқалигина позитив аҳамият касб этади.

Ислом инсонни оила куришга ундаганида уни “оиланинг кули”га айлантормади, балки оила орқали уни жамиятнинг фаол аъзосига, хотини, фарзандлари, қариндош-уруғлари ва қўни-қўшнилари ҳаёти билан қизиқиб, улар билан аҳил бўлиб яшовчи субъектга айлантиради. Айнан шу маънода оила шахсда ижтимоий-антропологик фазилатларни шакллантиради, оилани инсон камол топадиган маконга айлантиради.

Кўриниб турибдики, ҳадисларда инсон ва унинг ҳаёти, келажаги, бажарадиган амаллари, этиқод-маслаги, ижтимоий борлиқ билан муносабатлари марказий ўринда туради. Улар инсон ва унинг ҳаёти олий қадрият, Аллоҳдан бошқа ҳеч ким ололмайдиган, муқаддас, бетакрор, оламни мунаввар қиладиган бойлик, куч, субъект эканини қайд этади. Бирорта ҳам ҳадис инсон ва унинг ҳаётидан ташқарида қаралмайди, баён қилинмайди, шу нуқтаи назардан ҳадислар ижтимоий-антропологик моҳиятга эга.

Ислом энг аввало дин, этиқод. Бу шариат қонунларига ҳам, ҳадисларга ҳам ўз таъсирини ўтказади. Ҳадислардаги ислом догматикаси-нинг талаблари энг аввало Аллоҳ ва унинг Расулига итоат этиш, муқаддас китоб - Қуръони каримни билишга даъватда намоён бўлади. Ушбу талабларни бажармаган инсон мусулмон, диндор бўлолмайди.

Имом Бухорий “Ал-Жомий ас-саҳих” асарида келтирилган ҳадисларни беҳуда саҳих-ишончли деб атамаган, улар бошқа муҳаддислар (ибн Муслим, ат-Термизий, Абу Довуд, Байҳақий, Насайй ва бошқалар) асарларида ҳам айнан ёки қиёсий тарзда келтирилади. Натижада ҳадислар реал воқелик, ҳодиса, лафз - сўз, ҳикоя сифатида жамланади.

Тўғри, ҳадисларда ўрта асрлар ва бадавий араблар яшаган ижтимоий муҳит таъсирлари акс этмаслиги мумкин эмас эди. Бу борада турли ёндашувлар, фикрлар мавжуд. Аслида полилогия ҳадислардаги негатив, консерватив эмас, балки позитив, ҳаётий томондир.

Ҳадисларда инсон ҳуқуқлари изчил баён қилинган. Ҳатто уларга ислом догматикасини такрорлашдан кўра, ҳаётий динамизм ҳосдир. Чунки ҳадис у ёки бу реал ҳаётий маконда, инсон ва унинг тақдири билан боғлиқ масала атрофида содир бўлади, баён қилинади, улар эса ҳеч қачон ордоксал нарсалар эмас. Реал ҳаётий макон, инсон ва унинг тақдири билан боғлиқ масалалар тинмай ўзгариб, у ёки бу томонга ён босиб, трансформацияга учраб турадики, бу ҳадисларга ҳаётий динамизм бахш этади. Шунинг учун ҳам ҳадислар инсон ва унинг тақдирига индифферент эмас, балки фаол, креатив ёндашади. Ҳадисларда интравертив тарзда мистицизмга берилиш кузатилмайди, (баъзи, оз сонли ривоятларни ҳисобга олмаганда) улар экстравертив тарзда инсонга, унинг ижтимоий муносабатларига, тақдирига қаратилгандир.

Хуллас, қайси бир мавзуни, хабарни олмайлик, ҳадисларда улар инсон ва унинг ҳаёти, тақдири нуқтаи назардан баён қилинади. Ҳатто ҳадислардаги теоцентризм уларда социоантропологик моҳиятни англашга ҳалақит бермайди.

Исломдаги инсон ҳуқуқларини гоҳо мутлақлаштиришга, уларни теологик воқелик сифатида талқин этишга интилишлар мавжуд. Исломдаги модернизациялашни Ғарб цивилизацияси “томон бориш” тарзида ҳам қараш учрайди. Аммо, бу юридик муаммоларни қонунчилик асослари, ҳуқуқ назарияси ўрганиши лозим. Бизнинг мавзуимиз учун муҳим жиҳати шундаки, фикр ва ҳадисларда келтирилган нормалар инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилади, тартибга солади ва шахс билан жамият муносабатларини рационаллаштиради. Ҳуқуқ мудом рационал воқелик экани учун ижтимоий тараққиётга хизмат қилиб келган.

Диссертациянинг тўртинчи боби “Ал-Жомий ас-саҳих” асарида инсон ва унинг маънавий-ахлоқий баркамоллиги” деб номланган. Унда ҳадислардаги инсоннинг маънавий-ахлоқий ҳаётига ва баркамоллигига оид теоцентриқ ҳамда ижтимоий антропологик қарашлар ўрганилган. Теоцентризм барча динлардаги каби исломда ҳам етакчи ўринда турган ва қолган ижтимоий антропологик қарашларни ўз атрофида уйғунлаштирган. Ҳадислардаги инсон, унинг маънавий-ахлоқий дунёси, баркамоллиги: 1) ислом догматикасига ва 2) инсон борлигининг имманент хусусиятларига мувофиқ тадқиқ этилган.

“Ал-Жомий ас-саҳих” асаридаги идеал инсон (Муҳаммад Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам)га хос фазилатлар, уларнинг маънавий-ахлоқий баркамол авлодни шакллантиришдаги аҳамияти қандай фазилатларни ҳозирги таълим-тарбия жараёнларига проекция қилиш мумкинлиги очиқ берилди.

Исломдаги теоцентриқ қарашлар Қуръони карим ва ҳадисларга асосланади. Аммо бу инсоннинг ролини камайтирмайди, балки унинг маънавий-ахлоқий шаклланишига идеал, намуна, модель бўлиб хизмат қилади. Ушбу идеалсиз теоцентриқ қарашлар моҳиятини ҳам, файласуф Г.Марсель ибораси билан айтганда, “Инсон мавжудлигидаги фундаментал ҳақиқатни англаш, топиш ҳам мумкин эмас”. Барча антропологик изланишлар охир натижада теоцентризмга бориб тақалган⁴⁰. Чунки инсон, унинг руҳий олами, экзистенциал борлиги, маънавий изланишлари мавжуд дунёдан ташқарига чиқишга, ташқи олами трансцендентал идрок этишга, англашга олиб келган. Инсон руҳи, гносеологик қизиқишлари, маънавий изланишлари ором ва чегара билмайди, улар мавжуд борлиқдан, “ўзидан ўзишга” (Ф.Ницше) интилади. Ҳа, инсон қаердадир тўхташини, қизиқишлари, изланишлари, руҳий изтироблари бир куни ниҳоясига етишини билади, лекин у мазкур сайъ-ҳаракатлари аниқ қачон тўхташини билмайди. Бу аслида инсон учун ҳам, ижтимоий тараққиёт учун ҳам позитив аҳамиятга эга. Мазкур позитив аҳамиятни ҳадислар “Бешиқдан қабргача илм изла” деган нақл билан асослайди.

Меҳр-муҳаббат инсонни улуғловчи, унинг тақводор, ҳаётпарвар ва инсонпарвар эканини кўрсатувчи туйғу, сифатдир. Инсон Худога меҳр-муҳаббат кўяр экан, Уни мавҳум образ, беҳис трансценденция деб билмайди, аксинча, Унга халоскор, ҳамдард, олийҳиммат зот, дардларини

⁴⁰ Всемирная философия. XX век/Авт. сост. А.П.Андреевский. – Мн: Харвест, 2004. – С. 510

енгиллаштирувчи, мушкулларини осонлаштирувчи, қалбини янада кучли меҳр-муҳаббатга тўлдирувчи объект (субъект) деб қарайди. Бундай объект (субъект)ни инсон ён-атрофидан тополмаса, энг яқин кишилари унинг илтижоларига бефарқ, бемеҳр бўлса, индифферентликка яқка ўзи қарши турулмаса, у, шубҳасиз, ёрдамни, меҳрни трансценденциядан излайди.

Ислом догматикасидаги бош теоцентрик ғояни Аллоҳнинг борлигига ва яқкалигига, Муҳаммад пайғамбар Унинг Расули эканига ишонч, эътиқод келтириш ташкил этади. Ушбу ғоя маънавий-ахлоқий ҳаётда, яъни эзгулик ва ёвузлик, меҳр ва қаҳр, адолат ва адолатсизлик, ҳалол ва ҳаром, иймон ва иймонсизлик, савоб ва гуноҳ, ҳаё ва ҳаёсизлик, сабр ва сабрсизлик, ихтиёр ва мажбурлаш каби ҳолларда қандай намоён бўлади ёки улар ўртасидаги зиддиятларни, антогонизмни қандай ҳал қилади? Умуман, ислом догматикасидаги бешта рукн, шартнинг инсон маънавий-ахлоқий дунёсидаги ўрни, императив хусусиятлари нималардан иборат?

Исломда эзгулик ва ёвузлик энг аввало Аллоҳга ва Унинг Расулига бўлган муносабат орқали қаралади. Имом Бухорий ҳадис келтиради: “Кимки куйидаги уч хислатга эга бўлса, иймон ҳаловатига эришгусидир: Аллоҳ таоло бирлан унинг Расулини барчадан ҳам яхши кўрмоқлик, бировни яхши кўрса, фақат Аллоҳ таолони деб яхши кўрмоқлик ҳамда қайта кофир бўлмоқликдан ўтда куймоқдан кўркқандек ҳазар қилмоқлик”⁴¹. Демак, Аллоҳни ва унинг Расулини яхши кўриш, ҳатто бошқа бировни улар учун яхши кўриш художўй амал қиладиган биринчи шартдир.” Яхшиликни, эзгуликни бундай теоцентрик тушуниш инсондаги эътиқодни, ишончни мустаҳкамлайди.

Ҳадисларда Аллоҳни, Расулни севиш инсонни севиш билан уйғундир, яъни теоцентризм билан антропоцентризм бир-бирига узвий боғланган. Уларда қайд этилгандек, “Роббининг ризоси ота-онанинг ризосидир. Роббининг норозилиги ота-онанинг норозилигидир”. Демак, ким Аллоҳ Таолони рози этмоқчи бўлса, ота-онасини рози қилишга ҳаракат қилиши керак экан, ким Аллоҳ таоло мендан норози бўлмасин, деса, ота-онасини норози қилмаслик учун тиришмоғи, ҳаракат қилмоғи керак экан”⁴². “Ота-она мўмин бўлсалар ҳам, кофир бўлсалар ҳам, ким бўлишларидан қатъий назар, уларга яхшилик қилиш, меҳр кўрсатиш мусулмон фарзандининг бурчидир. Уларнинг амрини бажариш ҳам фарзандлик вазифаси ҳисобланади”⁴³.

Исломдаги теоцентризм инсонни ўз ҳолига ташлаб қўймайди. У инсонга Аллоҳ ва унинг Расули билан боғлиқлигини, унинг барча сўзлари ва амалларини Яратган кузатиб туришини, охиратда унга мукофот ёки жазо борлигини эсига солиб туради. Агар Аллоҳ бандасини ўз ҳолига ташлаб қўймаса, табиий ҳолки, мусулмон ўз биродарини ўз ҳолига ташлаб қўйиши мумкин эмас. “Мусулмон мусулмоннинг биродаридир. Унга зулм ҳам қилмайди ва ташлаб ҳам қўймайди. Ким биродарининг ҳожатида бўлса, Аллоҳ унинг ҳожатида бўлади. Ким бир мусулмонни ғамдан фориғ қилса, Аллоҳ ундан қиёмат кунининг ғамларидан бирини фориғ қилади. Ким

⁴¹ Имом ал-Бухорий. Ал-Жомий ас-сахих. 4- китоб. - Тошкент.: - Чўлпон, – 341 б.

⁴²Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Ал-адаб ал-муфрад. 1-жуз. – Тошкент, “Шарк”, 2011. – 59 б.

⁴³Ўша асар. – 55 б.

мусулмоннинг айбини беркитса, Аллоҳ қиёмат куни унинг айбини беркитади”⁴⁴. Мазкур ҳадисдан маълум бўладики, инсоннинг ўз биродарига ёрдами, унга адолатли ёки адолатсиз муносабати беиз кетмайди.

Ислом инсоннинг маънавий-ахлоқий баркамоллигини ўзининг бешта рукни, шарти орқали талқин қилади. Бу теоцентрик ёндашувдир. Аммо у теоцентрик ёндашувни инсон ва унинг ҳаётисиз, амалларисиз тасаввур этмайди, шу тариқа теоцентризмни антропоцентризм билан уйғунлаштиради.

Аввало шуни айтишимиз лозимки, маънавий-ахлоқий фазилатларни инсоннинг интравертив ёки экстравертив ҳатти-ҳаракатлари нуқтаи назаридан тадқиқ этиш мумкин. Интравертив ҳатти-ҳаракатлар инсон ҳатти-ҳаракатлари ва ўй, хаёл, ниятларининг ички руҳий, маънавий дунёсига йўналтирилишидан иборатдир. Улар рефлексив хусусиятга эга, яъни инсон ўзининг маънавий-ахлоқий идеалини ўзининг ички кечинмалари, ўй-хаёллари ва фикрларидан қидиради. Зоҳидликни қўллаб-қувватловчи художўйлар, сўфийлар интравертлардир. Экстраверсив ҳатти-ҳаракатлар эса ташқи оламга, ён-атрофга, жамиятга, бошқа “Мен”ларга йўналтирилган бўлиб, у ижтимоий антропологик моҳиятга эгадир. Экстравертлар маънавий-ахлоқий идеалини ташқи муҳитдан, ижтимоий ҳаётдан қидирадилар ёки уни, яъни топган маънавий-ахлоқий идеалини ижтимоий муаммоларни ҳал этишга йўналтирадилар. Ҳар икки ҳолда ҳам экстравертларнинг ҳатти-ҳаракатлари жамият, социум билан муносабатларини мустаҳкамлашга, такомиллаштиришга йўналтирилган бўлади.

Ҳадислар кўрсатадики, инсоннинг маънавий-ахлоқий дунёси ислом догматикасига, теоцентризмга мувофиқ келиши даркор, ана шундаги инсондаги фазилатлар пок, олижаноб, гўзал бўлади, илоҳий талабларга жавоб беради. Аллоҳ инсонга ният қилиш фазилатини берган, шунинг учун унинг маънавий-ахлоқий фазилатлари ана шу ниятига мувофиқ намоён бўлади. Яхши ният яхшиликни, эзгуликни, ёмон ният эса ёмонликни, ёвузликни юзага келтиради. Демак, теоцентризм, шубҳасиз, антропоцентризмга, Аллоҳнинг талаблари инсоннинг “эркин иродаси”га бориб тақалади. Ҳатто Аллоҳнинг ҳамма нарсага қодир, ҳамма нарсани билгувчи, Олий зот эканини ерда тасдиқлаш учун ҳам инсон керак, инсоннинг қўллаб-қувватлашисиз, эътирофи ва эътиқодисиз Худо, трансценденция ҳақидаги мулоҳазалар фикцияга айланади. Айнан ижтимоий-антропологик моҳият ҳадисларга ҳаётийлик бахш этади.

Ислом дини ижтимоий антропологик моҳияти туфайли миллионлаб одамларни ўз догматикаси атрофида бирлаштириб келади. У инсон, унинг ҳаёти, унинг атрофидаги қариндошлари, оила аъзолари, биродарлари билан аҳл яшашга ундагани, ахлоқли, иймонли, меҳр-муҳаббатли бўлишга чорлагани билан эъзозлидир. “Бир-бирларингизни ёмон кўрманглар, бир-бирингизга ҳасад қилманглар, бир-бирингиздан аразламанглар, ака-ука тутуниб, Оллоҳнинг (солиҳ) бандалари бўлинглар! Мусулмон одам ўз (диндош) биродари бирлан уч кундан ортиқ аразлашмасин.”⁴⁵

⁴⁴Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Ҳадис ва ҳаёт. Яхшилик ва одоб китоби. – Тошкент, Шарқ, 2011. – 138 б.

⁴⁵Ўша асар.. – 101 б.

Ижтимоий антропологик ёндашув интраверт изланишларни рад қилмайди, айниқса, дин инсонни ички маънавий, руҳий дунёсига қайта ва қайта мурожаат этишга ундайверади. Диннинг ўзи интравертив изланишларсиз, ҳатти-ҳаракатларсиз, рефлексиясиз инсон руҳига, маънавий дунёсига таъсир қила олмайди. Буни тасаввуф аҳли жуда яхши билади⁴⁶. Агар художўй ўй-хаёлини, диққатини фақат ташқи дунёга қаратиш билан чекланса, у муқаррар тарзда динга юзаки, хўжақўрсинга ибодат этишга мажбур бўлади. Натижада, дин догматикаси бузилади, унинг асосий руҳи, шартларини бажаришда турли чалкашликлар, тарафдошлик, низолар келиб чиқади⁴⁷. Интервертивлик қанчалик муҳим бўлса, экстравертивлик ҳам шунчалик муҳимдир. Бу аслида теоцентризм билан антропоцентризм уйғунлигининг инсон ҳатти-ҳаракатларидаги ифодасидир.

Ҳадисларда иккита идеал образ мавжуд, улар – Аллоҳ ва унинг Расули Муҳаммаддир. Аслида эса уларни бирлаштириш мумкин. Тўғри, Қуръони Каримда ҳам, ҳадисларда ҳам Муҳаммад “мен Аллоҳман, Худоман” демайди, ваҳоланки, у шундай дейишга ҳақли ҳам эди. Бу теодиция эмас, балки теоцентризм ва антропоцентризм уйғунлигининг ифодасидир. Чунки ваҳий ва ҳадис айрим-айрим образлар, икки идеалларнинг ифодаси эмас, балки Муҳаммаднинг сўзлари эканини ҳеч ким инкор қилолмайди. Ҳатто Аллоҳ сўзлари Муҳаммад орқали одамларга тушунарли қилиб етказилган бўлса-да, уларда Расулуллоҳнинг “эркин ифодаси” қатнашгани исбот талаб қилмас факт, аксиомадир. Аммо икки идеал образнинг борлиги исломнинг монотеистик дин эканини инкор қилмайди, буни муқаддас битикларда “Муҳаммад Аллоҳнинг Расули, “ердаги элчиси”, деб аталиши ҳам тасдиқлайди. Демак, антропологик ёндашувимиздан келиб чиқиб, биз идеал инсон образи – Муҳаммад пайғамбарга мурожаат этамиз.

Қуръони каримнинг “Азҳоб сураси”да Муҳаммад пайғамбар инсонларга иймон-эътиқоди ва хулқ-атворида идеал бўлғулик “гўзал намуна”га эга элчи, “йўл кўрсатувчи нури чирок” қилиб юборилгани айтилади⁴⁸.

“Аллоҳ таоло Муҳаммаднинг (саллалоҳу алайҳи васаллам) муборак сийратларига шу қадар етук ва баркамол гўзал хулқни ато қилдики, бу ахлоқи ҳамийдалари сўнмайдиган ва тоабат порлаб турувчи нур янглиғ азиз сиймодир. Шунинг учун ҳам баркамол авлодни шакллантиришни ўзининг стратегик мақсади деб билаётган Ўзбекистон учун Муҳаммад пайғамбардаги юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни проекция қилиш муҳим аҳамиятга эгадир. Айниқса, жамиятимизда ўзбек халқининг тарихий-маданий меросидан, исломий қадриятлардан унумли, рационал фойдаланиш давлат томонидан қўллаб-қувватланилаётганда ҳадис-суннатлар самарали ижтимоий

⁴⁶Қаранг: Awn P. Satan's Tragedy and Redemption: Iblis in Sufi psychology. – Leiden, 1993; Gammer M. Muslim Resistance to the Tsar/ - London, 1994; Кньш А.Д. Мусульманский мистицизм. – М.: - Санкт Петербург, “Диля”, 2004; Fadiman J. Essential Sufism. – San Francisco, 1997.

⁴⁷Қаранг: De Weese D. Islamisation and Native Religion of the Golden Horde. University Park, Pensilvania, 1994; Smith M. Early mysticism in the near and Middle East. – Oxford, 1995; ЭрнВ. БорьбазаЛогос. Г. Сковорода, Жизнь и учения. – Минск.: Харвест, М.: АСТ, 2000; Соғиний А. Тирихи Муҳаммадий. – Тошкент, “Ок булок”, 1991 ва бошқалар.

⁴⁸Қуръони карим. Алоуддин Мансур таржимаси. – Тошкент, Чўлпон, 1992. – 383 б.

тарбиявий воситага айланиши, миллий педагогик технологияни яратишга хизмат қилиши шубҳасиздир.

Муҳаммад пайғамбар диний ва дунёвий бурч-вазифаларни уйғун бажаришга ундаган, динга муккасидан кетмасдан, инсон сифатида яшаш ҳам кераклигини унутмасликка чорлаган. Унинг “мен рўза ҳам тутаман, оғиз ҳам очаман, намоз ҳам ўқийман, дам ҳам оламан (ухлайман ҳам), аёлларга уйланаман ҳам”⁴⁹, деган сўзлари бу фикрнинг исботидир.

Ислом ва ҳадисларда Муҳаммад пайғамбар идеал инсон ҳисобланади, ундаги гўзал, олижаноб маънавий-ахлоқий фазилатлар ўн уч асрдан бери инсонлар диққатини тортиб келади. Идеал инсон, баркамол авлод тўғрисида фикр юритган ҳар бир давр Муҳаммад пайғамбардан илҳомланган, унга тақлид қилган. Шунинг учун ҳам, бизнинг фикримизча, баркамол авлодни шакллантиришни ўзининг стратегик мақсади деб билаётган Ўзбекистон учун Муҳаммад пайғамбардаги юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни проекция қилиш муҳим аҳамиятга эгадир. Айниқса жамиятимизда ўзбек халқининг тарихий-маданий меросидан, исломий кадриятлардан унумли, рационал фойдаланиш давлат томонидан қўллаб-қувватланилаётганда ҳадис-суннатлар самарали ижтимоий тарбиявий воситага айланиши, миллий педагогик технологияни яратишга хизмат қилиши шубҳасиздир.

Ҳадислардаги идеал инсоннинг ибратли ҳаёти, деганлари, фазилатлари ёшларни иймон-этикод, тақво йўлида иродали, жасоратли ва сабр-тоқатли бўлишга ўргатади.

ХУЛОСА

Имом Бухорийнинг “Ал-жомий ас-саҳих” асарида ижтимоий-антропологик масалаларига оид тадқиқот натижаларини умумлаштириб, қуйидаги хулосалар тақдим этилган:

1. Ҳозирги даврда Имом Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорийнинг “Ал-Жомий ас-саҳих” (“Ишонарли тўплам”) асари тарихий, ижтимоий маънавий аҳамиятга эга бўлган нодир асар бўлиб, унинг бош ғояси инсонни маънавий камолотга етказишдан иборат.

2. Буюк муҳаддис Имом Бухорий ғайривақт ҳадис-суннатлардан ҳаётий, саҳих ҳадис-суннатларни ажратишга, “Қуръони каримдан кейинги иккинчи ҳақиқатлар мажмуаси”⁵⁰ни яратишга умрини бағишлаган. У ислом догматикасини дунёвий-илмий нуқтаи назардан ёритишни бошлаб берган, диний-трансцендентал ва дунёвий-илмий ёндашувларни уйғунлаштирган илк муҳаддисдир.

3. Ҳадислар Муҳаммад пайғамбарнинг айтганлари, кўрсатмалари, ҳаёт тарзи ва амалларининг яхлит тўпламидир. Шунинг учун уларда ислом догматикаси марказий ўрин эгаллайди. Мазкур догматика калимаи шаҳодат келтириш, намоз ўқиш, рўза тутиш, закот бериш, ҳажга бориш каби бешта рукн-шартларни ўз ичига олади. Ҳадисларда ушбу рукн-шартлар ривоятларнинг моҳияти сифатида такрорланади. Шу билан бирга ҳадислар

⁴⁹Ал-Жомий ас-саҳих. 3-к. – 384 б.

⁵⁰Мозийдан таралган зиё. Имом ал-Бухорий. –Тошкент, “Шарқ”, 1998. – 13 б.

мистицизм машқлари эмас, улар ижтимоий борлиқ, инсон ва унинг ҳаёти, маънавий-ахлоқий фазилатлари, тақдири билан боғланган мулоҳазалардир. Имом Бухорий ҳадислари теоцентриқ ва антропоцентриқ қарашларни уйғунлаштиргани учун ҳам улкан ижтимоий-тарбиявий аҳамиятга эга.

4. Ислом таълимоти ва ҳадисларда илгари сурилган ғоялар тарихий-маданий ва маънавий-ахлоқий бойлиқлар, қадриятлар яратувчи ижтимоий фаол инсон фаолиятида акс этади. Демак, ҳадислар теоцентриқ ғояларни антропоцентриқ қарашлар билан боғлаб, ислом догматикасини инсонга, унинг ҳаётига яқинлаштиради. Догматизм қобиғидан чиқиб, дунёвий моҳият касб этади.

5. Ислом таълимотида кўра (Жалолиддин Румий, Абул Муин Насафий, Ғаззолий ва бошқалар) инсоннинг қалби – Аллоҳнинг уйи. Поклик, бағрикенглик, мукамаллик – Аллоҳга хос. Демак, Аллоҳ инсон қалбига кириш учун бу макон унинг даражасида пок бўлмоғи лозим. Дунёвий фалсафада эса қалби пок, буюк мақсадлар билан яшайдиган кишилар жамиятда фаол, уни ҳаракатга келтирувчи кучга айланади.

6. Ислом инсоннинг маънавий-ахлоқий фазилатларига, баркамоллигига жуда катта эътибор беради. Лекин у тарбия, дидактика эмас. Дин ўзининг догматикаси ва имманент хусусиятлари билан бошқа ижтимоий-тарбиявий ҳодисалардан фарқ қилади. Шунинг учун у инсоннинг маънавий-ахлоқий фазилатлари ва баркамоллиги тўғрисида гап кетганида, ўзининг теоцентриқ қарашларидан келиб чиқади. Ислом Аллоҳга етишишни, жаннатга тушишни, идеал инсон - Муҳаммад пайғамбарга тақлид қилиб яшашни инсоннинг маънавий-ахлоқий изланишлари марказига қўяди. Мазкур теоцентриқ ёндашув инсонга маънавий-ахлоқий идеал топишга ёрдам беради, ундаги эътиқодни, ишончни мустаҳкамлайди. Бу энди юксак ижтимоий ҳодиса.

7. Аллоҳни севишдаги ижтимоий-антропологик моҳият шундаки, Аллоҳ ва инсон уйғун бирликдир. Бу тенглараро бирлик эмас, Аллоҳ инсонни яратган. У бутун олам сарвари, инсонда бундай қудрат йўқ. Шунинг учун улар тенг эмас. Лекин “инсонни Аллоҳ учун севиш” принципида теоцентризм билан антропоцентризм уйғунлашади, пировард натижада инсонни илоҳий сифатли, илоҳсифат қилиш иштиёқи, ўйи пайдо бўлади. Диний-фалсафий таълимотлар инсондаги илоҳсифат фазилатларни шакллантириш борасида мулоҳаза юритганида, инсонни юксалтиришни назарда тутаяди.

8. Инсоннинг қалби – Худонинг макони. Қалб ўлса, сўқир ва бўм-бўш бўлса Худо ҳам маконсиз қолади. Қалбидан айрилган одамлар Худодан айрилади. Бу ҳолат тасаввуф фалсафасида “таъвил” ёки “шаҳдиёт” дейилади. Ана шу ерда исломий таълимотнинг ижтимоий моҳияти очилади. Дин фалсафасида ҳам, дунёвий тафаккурда ҳам инсон – бош мезон. У ўзини ўзи қадриятга айлантиришга маҳкум этилган ягона жонзот.

9. Муҳаммад пайғамбардаги гўзал, олижаноб маънавий-ахлоқий фазилатлар умуминсоний моҳиятга эга. Шу сабабли улар кишилар диққатини тортиб келади. Баркамол авлодни шакллантириш орзуси билан яшаётган Ўзбекистон мазкур идеал инсондаги маънавий-ахлоқий фазилатларни ижтимоий-тарбиявий жараёнларга проекция қилиши мумкин.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.S.03/30. 12.2019 F.02.02.
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
САМАРКАНДСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

МУСАЕВА НОДИРА МАХМУДОВНА

**ВОПРОСЫ СОЦИАЛЬНОЙ АНТРОПОЛОГИИ В ПРОИЗВЕДЕНИИ
ИМАМА АЛЬ-БУХАРИ “АЛЬ-ДЖАМИ АС-САХИХ”
(Философский анализ)**

**09.00.02 – Философия сознания, культуры и форм практики
(Философская антропология)
09.00.04 – Социальная философия**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА
ФИЛОСОФСКИХ НАУК (DSc)**

Тема докторской диссертации (DSc) по философским наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2020.2.DSc/Fal66.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном педагогическом университете.

Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме) на веб-странице Научного совета (www.samdu.uz) и на информационно-образовательного портала «ZiyoNet»(www.ziynet.uz).

Научные консультанты

Тураев Бахтиёр Оманович,
доктор философских наук, профессор

Жураев Нарзулла Косимович,
доктор политических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Яхшиликов Жўрабой Яхшиликович,
доктор философских наук, профессор

Хакимов Назар Хакимович,
доктор философских наук, профессор

Корабаев Усмон Хосилович,
доктор философских наук, профессор

Ведущая организация:

Центр исламской цивилизации

Защита диссертации состоится «_____» 2021 года в ____ час на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.F.02.02 при Самаркандском государственном университете. (Адрес: 140104, город Самарканд, бульвар Университетский, 15. Тел.: (0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40; e-mail: rektor@samdu.uz факультет истории Самаркандского государственного университета, 1 этаж, 105-аудитория).

С диссертацией можно ознакомиться в центре Информационных ресурсов Самаркандского государственного университета (зарегистрирована под №___). (Адрес: 140104, город Самарканд, бульвар Университетский, 15. Тел.: (0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40.

Автореферат диссертации разослан «__»_____ 2021 года.
(протокол реестра №__ от «__»_____ 2021 года).

Ш.Ш.Негматова

Председатель научного совета
по присуждению ученых степеней,
доктор философских наук (DSc), доцент

Х.А.Джуракулов

Ученый секретарь научного совета
по присуждению ученых степеней,
доктор философии (PhD) по филос.н., доцент

А.Р.Самадов

Председатель научного семинара при научном
совете по присуждению ученых степеней,
доктор философских наук (DSc), доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской (DSc) диссертации)

Актуальность и востребованность темы диссертации. Глобальные социально-политические процессы, происходящие в мире, показывают, что сегодня как никогда актуальны вопросы сохранения мира и стабильности, обеспечения межгосударственной и межличностной толерантности, воспитания в обществе людей, придерживающихся высоких моральных ценностей. Это обуславливает необходимость эффективного использования духовно-просветительских, религиозно-нравственных идей великих ученых-мыслителей. В частности, их социально-антропологические идеи, такие как патриотизм, искренность, трудолюбие, гуманность, положительно влияют на духовную зрелость граждан, избавляют от негативных пороков, таких как предательство, невежество, клевета, взяточничество и труд во благо, уважение. для знания и чистоты сердца.

В мировой науке ряд исследовательских институтов и центров проводят исследования по изучению сущности хадисов, которые являются богатым духовным наследием великих мыслителей, для изучения выдвигаемых в них идей на основе научных критериев. В частности, роль идеи совершенного человека в воспитании современного человека в хадисах Имама Термези, Имама Муслима, религиозных учениях Махмудов Замахшари, Азизиддина Насафи, Ходжи Ахрора Вали, Бахауддина Накшбанди, Ходжи Ахмада Яссави. В то же время научное сообщество уделяет особое внимание всестороннему изучению важности хадисов Имама Бухари для обеспечения устойчивого развития в сегодняшние опасные времена. Потому что, в сегодняшнюю эпоху духовной и идеологической борьбы хадисы сохраняют свое конструктивное значение в нравственном воспитании, воспитании мышления, изменении мышления.

В нашей стране доведение идей исламского просвещения до сознания различных слоев населения является одним из приоритетных направлений государственной политики, в образовательных учреждениях Международной исламской академии, Ташкентского исламского института, Центра исламской цивилизации, международных научно-исследовательских центрах Имама Бухари, имама ат-Термизи ведется системная деятельность по изучению идей о соразмерности религиозных и светских знаний, их использованию в повседневной жизни. “Пропаганда в нашей стране гуманистической сущности ислама, служения таким благородным целям, как мир и дружба, на основе благородной идеи” против невежества-просвещение” остается одним из постоянных вопросов нашей повестки дня”⁵¹. В этом контексте растущая потребность населения в свободе вероисповедания сегодня требует глубокого изучения сути религиозных идей и их распространения среди населения. В частности, объективной необходимостью остается научное изучение социально-антропологических проблем, поднятых в хадисах Имама Бухари, и

⁵¹ Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан-миллий юксалиш сари.-Тошкент: «Ўзбекистон», 2020.-Б.43.

разработка концептуальных основ их донесения до граждан в новых условиях Узбекистана.

Данное диссертационное исследование служит в определенной степени реализации задач намеченных в Указах Президента Республики Узбекистан УП-4947 “О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан” от 7 февраля 2017 года, УП-6108 “О мерах по развитию образования и науки в новый период развития Узбекистана” от 6 ноября 2020 года, а так же, Постановления Президента Республики Узбекистан ПП-2855 “О мерах по созданию Международного исследовательского центра Имама Бухари при Кабинете Министров Республики Узбекистан” от 27 марта 2017 года, № ПП-2995 “О мерах по дальнейшему совершенствованию системы сохранения, исследования и популяризации древних письменных источников” от 24 мая 2017 года, ПП-3080 “О мерах по созданию Центра исламской цивилизации в Узбекистане при Кабинете Министров Республики Узбекистан” от 23 июня 2018 года и других нормативно-правовых документов относящихся к данной сфере.

Соответствие исследований приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологии республики I. “Формирование системы социальных, правовых, экономических инновационных идей информационного общества демократического государства и пути их реализации”.

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации.⁵²

Вопросы изучения истории ислама, его источников, в частности хадисов имама Бухари, рассматриваются ведущими мировыми научными центрами и высшими учебными заведениями, в том числе академией политических и социальных наук США, Гарвардским университетом, Чикагским университетом (США), Университетом Торонто (Канада), Оксфордским университетом, Кембриджским университетом (Англия), Осакским университетом (Япония), центром исламского учения (Германия), Институтом философии Российской академии наук, Булгарской исламской академией (Россия), Каирским университетом, Университетом комплекс исламских исследований Аль-Азхар (Египет), Университет Дамаска (Сирия), турецкий центр религиозных учений и исламского образования, университет Анкары, институт исламской мысли, Карабукский университет, Университет Ибн Халдуна, Университет Мармара, Эрзурумский университет (Турция), центр суннизма и наследия Набави (Саудовская Аравия), иракский университет (Ирак), университет Фас Аль-Каравайн (Марокко), Азиатско-африканский институт Гамбургского университета (Германия), фонд рукописей в Масджидал-Аксу (Палестина), институт Исламского сознания, Международный исламский университет (Малайзия), научно-исследовательский центр Абу Ханифы и исследовательский центр Ахмада

⁵² Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: www.ox.ac.uk; <https://ru.Wikipedia.org.;> <https://www.medinaschool.org.;> <https://www.anrt.tj.;> <https://www.en.uni-muenchen.de.;> <https://library.fes.de;> <https://www.cbu.ca.> ва бошқа манбалар асосида тайёрланган.

Яссави (Казахстан), также фундаментальные исследования проводятся Международной исламской академией Узбекистана, центром исламской цивилизации, международными научно-исследовательскими центрами Имама Бухари и Имама ат-Термизи (Узбекистан).

В мировом исламоведении проведен ряд научных исследований о значении хадисов имама Бухари в духовной жизни человечества, в том числе получены следующие научные результаты: разработаны предложения по использованию идей о нравственном воспитании, повышении правовой культуры, духовно-просветительского уровня членов семьи как важного элемента обеспечения прав и интересов сторон в семье (в Гарварде и Оксфордском Университете, Англия).; в хадисах обоснована социальная значимость идей обеспечения прав человека (Осакский университет, Япония), изучены особенности принципов семейных и общественных отношений в исламе (Кембриджский университет, США); обосновано современное значение идей мира и стабильности в религиозных источниках (Каирский и Дамаский университеты, Египет и Сирия); раскрыто социальное значение идей толерантности в хадисах (турецкий центр религиозных учений и исламского образования, ряд университетов, Турция); Социально-исторические, философско-просветительские аспекты хадисов имама Бухари (институт Исламского сознания, Малайзия).

В мире ведутся много исследований по изучению философских аспектов социальных антропологических проблем в духовном наследии Имама Бухари, в том числе по следующим приоритетным направлениям: роль исламской философии в осмыслении мира, выработке новых научных идей, раскрытии причин склонности человека к добру и злу, создании научных концепций по воспитанию чувства религиозной терпимости, взаимного согласия, сострадания, взаимоуважения, обогащению национально-культурных ценностей, антропологических проблем в хадисах, предупреждению социального и воспитательно-нравственного упадка, в дальнейшем обогащении истории хадисоведения, науки “Мусталахул хадис” раскрыть гуманистическое значение духовного наследия ученых.

Степень изученности проблемы.

